Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1995 йил, 24 октябр | 20- сон

ЕТТИ ИҚЛИМ ЧОПАРИ

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАЯНЧИ

Ню-Йоркда дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишланган сессия ўз ишини бошлади. Унда 150 дан ортиқ давлатлар бошлиқлари иштирок этишмоқда. БМТнинг 50 йиллик юбилейида ҳатто Куба Компартиясининг бош котиби Фидел Кастро ҳам иштирок этмоқда. Япония бош вазири эса бу тўйга 200 минг америка доллари туҳфа этмоқ истагини билдирди.

Маълумки, БМТ бош котиби Бутрос Ғолий республикамиз Президенти Ислом Каримовга телеграмма йўллаб, юбилейда қатнашишга таклиф этган эди. 22 октябр куни Ислом Каримов Ню-Йоркка жўнаб кетди. У Тошкент аэропортида журналистлар билан учрашиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади. «Бундай анжуманда қатнашиш ҳар бир давлат бошлиғи учун катта шарафдир, — деди И. Каримов. — БМТнинг асосий мақсади урушга қарши кураш, тинчлик, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир. Ўзбекистон бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўмагига, мададига таянади. Афғонистон, Тожикистондаги воқеалар, Орол фожиасини жаҳон ҳамжамиятининг иштирокисиз ҳал этишимиз қийин».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йилнинг 24 октябридан ташкил этилган эди. Бугунги кунда 180 дан ортиқ давлат ушбу нуфузли ташкилотга аъзо. Мана тўрт йилдирки, БМТнинг Ню-Йоркдаги қароргоҳи олдида республикамиз байроғи ҳам ҳилпирамоқда. Тўрт йил жуда қисқа муддат. Аммо шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги алоқалар кенг ривожланиб кетди. Шу кунларда республикамизда БМТ иштирокида умумий миқдори 20 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган лойиҳалар бошлаб юборилди. Бундан ташқари, бир неча кун бурун Тошкент ва Нукусда иккита халқаро конференция бўлиб ўтди. Шунингдек, яқин йилларда жаҳон маданиятининг ўчоқларидан бўлган Хива ва Бухоро шаҳарларининг юбилейларини ўтказиш ҳам БМТ дастурига киритилган.

Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти юбилейига келган 150 давлат бошлиқлари ёнма-ён туриб суратга тушдилар. Бу маросимда фақат Германия канцлери Гелмут Кол кечикканлиги сабабли иштирок эта олмади.

Сессия кун тартибига кўра ҳар бир давлат раҳбари беш дақиқа нутқ сўзлаши мумкин.

Юбилейдан сўнг Ню-Йоркнинг машҳур Гайд боғидаги Американинг собиқ президенти Ф. Рузвелтнинг хонадонида Русия ва АҚШ президентларининг ўзаро учрашуви бўлиб ўтади. Икки Президент Бушна ва Ҳерсоговинадаги вазият, Европа хавфсизлиги контурини тузиш, Шимолий Атлантика блокини Шарқ томон кенгайтириш масалаларини кўриб чиқадилар. Бундан ташқари томонлар ўзаро маданий, иқтисодий масалаларда фикр алмашадилар. Русиянинг собиқ Югославиядаги тинчлик ўрнатиш учун юборилган ҳарбий кучларининг Шимолий Атлантика блокига бўйсунмаслиги, лекин улар билан бирга иш олиб бориши ҳақида ҳам келишиб оладилар. Демак, тинчлик йўлида янги қадам ташланади. Бу БМТ нинг дунёда тинчликни, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек бош дастури амалга ошаётганидан даракдир.

Ҳ. ҚУТБИДДИНОВ

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»га обуна бўлинг!

Обуна нархи

фуқаролар учун:

бир йилга — 130 сўм

олти ойга — 65 сўм

фуқаролар учун нашр индекси — 64618

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:

БИР ЙИЛГА — 156 сўм

ЯРИМ ЙИЛГА — 78 сўм

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64619

Шу куннинг нафаси

ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАР ИЗЛАНИШДА

Ўзбек машинасозлари истиқлол ва давр талаби билан ихтисослашиш йўлидан бормоқдалар. Жамоатчи мухбиримиз Т. Сулаймонов «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамияти бош директори, иқтисод фанлари номзоди Маҳмуджон Ҳамидов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Энг аввало йилнинг ўтган ойлари иш натижаларига тўхталсангиз.

— Бугунги кунда жамоамиз 128 турдаги турли халқ истеъмоли буюмлари тайёрламоқда. Асосан зодвижкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз маҳсулотларига ҳамдўстлик давлатларида ҳам, бошқа хорижий мамлакатларида ҳам харидорлар топилади. Вазирлик яқинда 1995 йилда тайёрланган задвижкаларимизга «Сифат кафолати» берди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 43149 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9880 минг сўмлик кўп товар демакдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, корхонамиз ҳиссадорик жамиятига айланганидан боис ҳар бир ишчи-хизматчи изланиш йўлидан бораётир. Натижада саккиз ой мобайнида йигирма тўрт турдаги янги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда кир ювиш машинаси, болалар учун беланчаклар, автомат усулида бошқариладиган қозонга талаб тобора ортиб бормоқда.

— Бошқа давлатларнинг корхоналари билан ҳамкорлик қандай бўляпти?

— Биз «олма пиш-оғзимга туш» деб қараб ўтирганимиз йўқ.

Заводимиз бир кун ҳам тўхтаган эмас.

Бошқа давлатлар билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этиш йўлидан боряпмиз. Бугунги кунда Белоруссиянинг Орша шаҳри билан ҳамкорликда корхонамиз жаҳон андозаларига тўла мос келадиган тикув машиналарини ишлаб чиқаряптики, у харидорларга ғоятда манзур бўлмоқда. Мутахассисларимиз доимо МДҲ давлатларида бўлиб, алоқаларни мустаҳкамлаш, завод учун зарур хом ашёни товар айирбошлаш йўли билан олиб келишга эришишяпти. Ҳозирча бу борада муаммоларимиз йўқ ҳисоби.

— Ҳар бир корхонанинг ўз илғорлари, бошқача айтганда, «устун»лари бўлади, ана шуларнинг исми-шарифини айтсангиз...

— Илгари шундай эди. Фалончи беш йиллик маррани икки йилда эгаллади, деган баландпарвоз гап-сўзлар бўларди. Янгича иш услуби бундай «ура-ура»ларга барҳам берди. Кўп кишилик жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасига виждонан ёндошади. Вазифани уддалаш қўлидан келмайдиган киши жамоамизда ишлай олмайди. Саккиз ойлик ишимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 128 турдаги маҳсулотнинг аксариятини халқ истеъмоли буюмлари ташкил этади. Ҳозиргача 3 миллион 587 минг сўмлик ана шундай буюмлар тайёрланди. Аҳолига 1 миллион 417,9 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Бу режа белгиланганидан тўрт баравар ортиғи билан уддаланади, демакдир.

— Ишчиларга яратилган шароит ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Сифат бош мезон қилиб олинган экан, энг аввало меҳнат интизомига алоҳида эътибор берилади. Энди ишчидан виждонан меҳнат қилишни талаб этишдан олдин унга зарур шарт-шароит яратиб бериш лозим. Мақтанчоқлик бўлмасину, жамоамиз меҳнат шароитидан нолийдиган жойимиз йўқ. Намунали ошхона, чойхонамиз бор. Товар айирбошлаш йўли билан олиб келинаётган кундалик озиқ-овқат, камёб саноат моллари ишчиларга арзон нархда сотилмоқда. Иссиқ овқат учун етарли миқдорда маблағ ажратиляпти. Ишчилар, уларнинг фарзандлари учун шифохоналар, санаторий-профилакторийлар ишлаб турибди.

ҲУНАРМАНДЛАР БАЙРАМИ

Маълумки, ўзбек амалий санъатининг халқ усталари ва ҳунармандлигига оид бўлган турлари халқимизнинг ўтмиши ва бугунги кунини ўзида кенг акс эттирган ҳолда авлоддан-авлодга «устоз-шогирд» мулоқотлари орқали ўтиб, ривожланиб келмоқда. Кундалик ҳаётимизда уларни янада такомиллаштириш мақсадида бугун Алишер Навоий номидаги мемориал мажмуида Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандларининг биринчи ярмаркаси очилди.

Бу йирик анжуманни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказаяпди. Илк марта ўтказилаётган ушбу ярмарка БМТнинг 50 йиллигига бағишланган.

Ўзбекистон тупроғи азал-азалдан ҳунармандлар юрти бўлиб келган. Туркистон ҳудудидаги ҳар бир шаҳар, ҳар бир воҳада ўзига хос усулда ҳунармандчилик турлари ривожланганлиги бизга тарихдан маълум. Бугунги анжуманда халқ ҳунармандчилигининг 20 тури бўйича тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилади. Ғолибларга махсус тайёрланган «Усто гувоҳномаси» берилади. Ҳар бир гувоҳнома учун 1000 АҚШ доллари ҳам ажратилган. Шунингдек, ушбу гувоҳномага сазовор бўлган устоларга келгусида 5 нафардан шогирд тайёрлаш вазифаси юкланилади. Яна ғолиблар учун БМТ, ЮНЕСКО ва вазирликнинг махсус фахрий ёрлиқлари ҳам тайёрланган.

Келгуси йил ўтказиладиган ярмарка буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланади.

Б. ПИРНАФАСОВ

«МТ»: воқеалар, хабарлар

«ТЕАТРГА ЧОПИНГ!..»

Аввалари одамлар театрга Аброр Ҳидоятовни кўргани борардилар. Аввалари одамлар театрга Шукур Бурҳонни кўргани борардилар.

Бугун ойнаи жаҳоннинг қулоғини бурасангиз бас, Шварцнегердан тортиб Ван Дамгача томоша қилаверасиз. Кинотеатрлар-ку, Американинг жангари ва Ҳиндистоннинг филмларига тўлиб-тошган.

Ҳолбуки, театрдан кўра самимийроқ ва инсонпарварроқ гўшани тасаввур этишнинг ўзи мушкул. Зеро, сиз унда тирик актёр билан мулоқотда бўласиз, Голливуд техникаси ёхуд ҳинд киноартисткасининг рангбаранг либосларидан эмас, тирик актёр истеъдодидан ҳайратга тушасиз.

Таассуфки, айниқса сўнгги йилларда театр заллари деярли ҳувиллаб қолди. Натижада пул ортидан қувган баъзи театрлар енгил-елпи саҳна асарларини ижро этишга киришиб кетдилар, баъзи таниқли актёрлар эса театрни ташлаб, ўзларини тижоратга урдилар.

Мана шундай санъат учун оғир бир вазиятда республикамиз Президентининг театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доир Фармони чиққани кўнгилга ёруғлик сизиб кирувига сабаб бўлди. Умид қилардикки, ушбу Фармонда белгиланган тадбирлар амалга ошиб, театрларимиз ўзларининг иккинчи ҳаётини бошласалар, уларга томошабинлар гуррос-гуррос оқиб келаверишса, қанчадан-қанча томошабин эса бир-биридан ортиқча чипта сўраб юрса...

Яхши ният — ёрти мол.

Ахир театрдан улуғроқ даргоҳ борми. Улуғ Белинский бежиз «Театрга чопинг!» дея ҳайқирмаган-ку...

МУСАВВИРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда Измирда рассомларнинг халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келтирилган санъат асарлари орасида жумҳуриятимиз мўйқалам усталарининг ҳам ижод намуналари бор эди.

Вакилларимиз Ортиқали Қозоқбоев ҳамда Бахтиёр Маҳкамовнинг асарлари кўпчилик назарига тушиб, юқори баҳоларга сазовор бўлди.

«ТУНИСЛИК БОЛА»... ЎЗБЕКИСТОНДА

Дарвоқе, энди «тунислик бола»нинг Римга бориб юриши шарт эмас. Чунки унинг ижтимоий вазият барқарор Ўзбекистонимизга бемалол меҳмон бўлиб келиши мумкин.

Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган Тунис ҳукумат делегацияси аъзолари Ўзбекистон Ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси билан ҳам шартнома имзоладилар.

Тез кунларда ҳар иккала мамлакатни боғлаган ҳаво йўлларида самолётлар мунтазам равишда уча бошлайди.

Г. МУРОДАЛИЕВА

ОИЛА ЧИРОҒИ

ЕТИМЛАРНИНГ БОШИНИ СИЛАБ

Ота-онам умр бўйи етим боқишди. Уларнинг қўллари етимлар бошини силаб тўлишди. Хонадонимиз болалар уйи қадарли кенг даргоҳ эди. Лекин падару волидамиз бунга ҳеч кимга миннат қилмас, хизматлари эвазига бировдан мурувват ҳам кутмас эдилар. Ҳаммаси табиий, ҳаммаси улар учун қисмат ёзиғи бўлиб туюлар эди. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган бу воқеалар бизнинг ана шу хонадонимиз ва яқинларимиз ҳаёти ҳақида. Урушдан аввал Ҳикматой аммам Қарши бозоридан тўрт ёшли бир қизалоқни топиб келган экан. Қизалоқни у нотаниш аравакашнинг қўлидан олган. Орадан кўп ўтмай аммам касалга чалиниб оламдан ўтади. Аммамизнинг эри касалманд Нурали бобо ўзининг икки боласи ва қизчани боқишга ожизлик килади. У ҳам кўп ўтмаай ҳаётдан кўз юмади. Шундан сўнг ота-онасиз қолган болалар бизнинг хонадонимиздан бошпана топади. Ота-онам аммамнинг болалари Алибек, Куйсиной билан бирга ҳалиги қизчага ҳам мурувват кўрсатишади. Уларни тарбия қилишади. Узоқ йиллардан бери тирноқ-ҳа зор ўтаётган онамга ҳудонинг раҳми келибдими ё болаларнинг қадами ёқибми, кейинроқ мен туғилибман. Тангри фарзанд ато қилганидан севиниб уларнинг меҳри болаларга тағин ҳам ошади. Орадан йиллар ўтди. Болалар катта бўлишади. Мен, мендан кейинги укаларимнинг улғайишида улар катта хизматлар қилишади, бироқ худо бу кунларни ҳам бизларга кўп кўрди. Мен икки ёшга тўлар-тўлмас онамиз Мукаррама Ҳайит қизи ҳам бандаликни бажо келтиради. Каттакон ҳовлида тўрт сабий билан отамнинг ўзи қолади. Онам ўлмасидан бурун Ойсара холам ва эргашиб келган акамиз Мамат ҳам биз билан бирга яшар эканлар. Онам вафотидан сўнг уларни тоғам ўз қишлоғига олиб кетибдилар. Отам биз гўдакларни парваришлаш учун иккинчи бор уйланишга мажбур бўлади. Янги онамиз ҳам «қуруқ» келмайди. Ойламиз удумлари гўё унга танишдай, етти ёшли сингилчаси Хонимойни ҳам бирга олиб келади. Тўғриси, уларнинг ҳам бошига мусибат тушиб, ота-оналари ўлган бўлади. Шундай қилиб, хонадонимизда болалар сони бештага етган. Шу орада отам элга ош бериб, акамнинг қўлини ҳалоллайди. Эсимни танибманки, шу тариқа хонадонимиз бола-бақра билан гавжум. Отам — Амирқул Мавлон ўғли оламдан ўтди. Мен энди икки оғиз. Ойдиной опамнинг турмуши ҳақида сўйлаб бермоқчиман.

1939 йилнинг қиши қаттиқ келди. Кун ўтказиш, бола-чақа боқиш қийин. Шундай кунлардан бирида Дарё қишлоғидан устибоши юпун, совуқдан дилдираган, озғин бир аёл тўрт ёшлардаги қизалоғини етаклаб, катта йўл томон кела бошлади . Аёлнинг оёғида йиртиқ ковуш, эгнида ранги ўчиб кетган камзул, бошида йиртиқ шол рўмол. Қизчанинг уст-боши ҳам онасинкидан фарқ қилмасди. Елкасида осилиб турган пахталик камзулчасида ямоқ тушмаган ер йўқ эди. Унинг ҳам оёқчасида каттакон йиртиқ ковуш. Она-бола йўл четида, совуқдан панароқ жойда тўхташди. Аёл бировни кутгандай олазарак бўлиб атрофга боқди. Анча вақтдан сўнг узоқда арава кўринди. Аравакаш аравани тўппа-тўғри уларнинг олдига келиб тўхтатди. Унда уч-тўрт халта юк бор эди.

— Ҳа, қизим, йўл бўлсин, бу совуқда? — сўради аравакаш онаболадан.

— Қаршига бормоқчи эдик. Совуқда кетолмай турибмиз, ота! — жавоб берди аёл сир бой бермай.

— Йўлимиз бир экан.

Олтмиш ёшлардан ошиб қолган аравакаш тушиб, уларнинг аравага чиқишларига ёрдам берди. Болани кўтариб қоплар орасига ўтқазиб қўйди. Улар пича вақт жим кетишди. Сўнг сукунатни аравакашнинг:

— Қизим, қайси қишлоқдан бўласизлар, — деган овози бузди.

— Дўстбердидан.

— Қаршида қариндошларинг борми?

— Ҳа! Ўзингизга йўл бўлсин?

— Раис одамларнинг ғалласини тортиб келиш учун тегирмонга жўнатди.

— Сизларда ғалла кўпми?

— Э, йўқ, қизим, бир қишлоқдан тўрт қоп чиқди.

— Бизда шу ҳам йўқ. Одамлар очликдан ўляпти.

— Ҳа, қизим, йил оғир келди. Чем қишлоғидан ўтиб, Ғузорга бурилишга яқин қолганда аёл чолдан аравани тўхтатишини илтимос қилди. Тушиб, қирнинг орқасига ўтиб кетганича қайтиб келмади...

Тегирмончи донни тортиб бўлгандан сўнг аравакаш қизчани етаклаб бозор оралади. Қизалоқни боқиб олишга рози одам излади. Шунда орқасида аёл кишининг «тўхтанг, ака» деган товуши эшитилди. У тўхтади. Орқасидан етиб келган қирқ беш ёшлардаги оқ-сариқдан келган аёл:

— Болани менга беринг. Бола менга керак, — деб унинг қўлидан юлқиб олди. «Ҳеч бўлмаса, қизимнинг бешигини тебратарку», — деган фикр билан уйига қайтди. Йўлинг ойдин бўлсин деб, қизгача Ойдиной деб исм қўйди. Ўша аёлнинг исми-шарифи Ҳикматой Мавлонова бўлиб, шаҳардан беш-олти чақирим наридаги Тукманғит қишлоғида яшарди. Мен юқорида номини келтирган Ҳикматой шу киши бўлиб, у менинг аммам — отамнинг синглиси эди!

Ҳикмат аммамизнинг яккаягона қизи Куйсиной ҳозир саккиз фарзанднинг онаси, Косоннинг Оброн қишлоғида яшайди. Тоғамиз Алибек Нуралиев билан бир қишлоқда турамиз. У етти фарзанднинг отаси. Қишлоқ мактабидан қирқ йилдан кўпроқ вақт ўқитувчилик қилиб, яқинда нафақага чиқди. Онамиз вафотидан сўнг менга оналик қилган Бўритош момонинг синглиси Хинимой холамиз Касби туманининг Қўнғирот қишлоғида истиқомат қилади. Тўққиз фарзанднинг волидаси. Акам Мамат Бозоров Қарши туманидаги «Истиқлол» жамоа-ширкат хўжалигида ўттиз йилдан ортиқроқ шофер, гараж мудири вазифаларида ишлаб келяпти. Ўн фарзанднинг отаси. Холаларимдан яна бири Ойсара Ҳайитова — қаҳрамон она. У ҳам яқинда дунё билан хайрлашди. Айримлар ўйлашлари мумкин, булар кимга керак деб. Мен буларни биз шунадй яхши, етимпарвар кишиларимиз дейиш учун ёзаётганим йўқ. Одам ҳар доим одам билан тирик экан деб айтмоқчиман, холос. Шунинг учун кўп кишилар ҳозир ҳам хонадонимизни ўз уйларидек кўрадилар, севадилар, тўй-маъракаларда иштирок этишади.

Бироқ, мени бошқа нарса ўйлантиради. Йўғон чўзилиб, ингичка узиламан деган йилларда кишилар бир-бирларининг бошиини силаб меҳр-оқибат кўрсатганлар. Инсонгарчилик ҳамма нарсадан баланд бўлган. Ҳозир яхши замон, тўқчилик. Лекин айрим ҳолларда бунинг акси бўлаётир. Беникоҳ бола туғиб, болаларни туғруқхоналарга ташлаб кетиш ҳоллари йўқ эмас. Ахир харом ишларнинг охири вой-ку! Ҳаётни кайфу сафо, еб-ичиш деб тушуниш тубанлашишнинг бошланиши. Оқибатлари эса ғоят хунук. Мен ўтган йили вилоят туғруғхонасига бир хат изидан бориб, бош шифокор ва бошқа ходимлар билан суҳбат қилганимда ана шундай бир фактга дуч келдим. Боёт-шоёт яшаб, тўқликка шўхлик қилаётганларни кечириб бўлармикин? Шулар ҳақида ёзарканман, беихтиёр марҳум онам, аммам, вафосига бир умр содиқ қолиб, урушга кетган эрини ҳанузгача кутаётган аёллар эсимга тушади. Бошқалар боласига ўз боласидай меҳрибон, мушфиқ ҳамқишлоқларим — Маъмура ва Бибиойларни эслайман. Ойдиной опамизни асраб қолган ўша номаълум, мард, диёнатли аравакаш бир умр хотирамдан чиқмайди. Диёнат инсон қалбининг гули экан-да, дейман.

Исмоил АМИРҚУЛОВ

ЮКСАЛИШИМИЗ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг дастурида миллатнинг маънавий бирлиги, Ватан (Туркистон) — ягона оила, кучли демократик давлат, миллий қадриятлар, илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳон интеграцияси, замон кишисини тарбиялаб вояга етказиш, миллий истиқбол каби масалалар алоҳида ўрин олган. Чунки булар ҳуқуқий демократик давлат қуришни бошлаган ва шу йўлда эндигина тўрт йил тўлиб беш ёшга қадам қўяётган ёш мустақил Ўзбекистонимизни буюк келажаги учун ниҳоятда зарур вазифалардир. Назар солган бўлсангиз юқорида амалга ошириладиган ишлар қаторида «Ватан» (Туркистон) — ягона оила» деган мавзу ҳам партия дастурида кўрсатилган. Унда биз қуйидаги фикрларни ўқиймиз:

«Миллий тикланиш ғоясига хизмат этадиган омиллардан асосийси «Ватан» — ягона оила» туйғусини, ватанпарварлик ҳиссини камол топтиришдир. Бу ҳар бир фуқарога хос туйғу бўлмоғи лозим. Бу туйғунинг асл моҳияти Ўзбекистонда яшовчи ва миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг «Мен — Ўзбекистонликман!» деб қалбан яқинлашуви билан белгиланади. Шу сабабдан Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Ўзбекистон равнақи йўлида тарихи, диний эътиқоди, урф-одати ягона бўлган маҳаллий миллатларнинг маънавий иттифоқда бирлашувига интилган ҳолда, Ўзбекистонни ватан деб билган, унинг равнақига ҳаётини бағишлашга тайёр ҳар бир фуқарони ўз сафларига даъват этади. Зеро, ягона Ватан туйғуси фақат қондошлик туфайлигина эмас, қалбан, маънан яқин бўлган ҳаммаслак инсонларга хосдир. Ватанни севиш, уни ягона хонадон, ҳамжиҳат оила деб ҳис этиш — етук инсоний фазилатдир. Бир жону бир танли оилада, ҳамжиҳатлик бор жойда куч-қудрат, осойишталик бўлади, фидойилик, инсонийлик ва мурувват тарбияланади.

Инсоннинг ўз она юрти тақдирига масъуллик сезиши тараққиёт ва маънавий бирликнинг буюк кучларидан бирини ташкил этади. Ватанпарварлик — бу керак бўлса, Ватан учун ширин жонни ҳам фидо этиш, оғир синовларга дош бериш ҳамда миллат ва мамлакатнинг камолатига, тараққиётига ҳисса қўшиш, шунингдек, Ватан равнақига ғов бўлган ҳар қандай иллатга муросасиз бўлиш демакдир. Ватанпарварлик — бутун халқ фаровонлигини ва бахт-саодатини кўзлашдир».

Юқоридаги гаплар Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг дастурига жозибадор иборалар бўлгани учун киритилмаган. Бу фикрлар партиянинг чиндан амалга оширадиган вазифаларидир. Бу ишларни партия турли йўналишларда амалга оширади. Улардан бири «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини «Миллий тикланиш» газетаси орқали тарғибот қилиш ва бунга Республикамизнинг мутахассис олимларини жалб этишдир.

Газетани ўқиб бораётган дўстларимиз эслашлари мумкин, унинг 1995 йил 10 июнда чиқарилган 1-сонидан бу мавзу берила бошланди. Яъни, шу сонда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтининг илмий ходими, тарих фанлари номзоди Азамат Зиёнинг «Туркистон — умумий ва ягона халоскоримиз» сарлавҳали мақоласи берилди. Унда Туркистон — умумий уйимиз бўлса унинг умумийлиги нималарда ўз аксини топган ва топади, унинг тарихи борми, хусусий томонлари нимада, унинг келажаги қандай, у ҳақдаги ички ва ташқи тушунчалар қандай каби саволларга жавоб айтилган. Мақолада қайси тарихий даврдан бошлаб Турон ва Туркистон деб аталиб келинаётгани ҳақида тегишли материаллар берилган. Утган катта давр мобайнида халқимиз бир неча сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатлардан яхлит маконда яшаган вақтлари бўлгани, иқтисодий томондан бугунги сўз билан айтганда жуда кенг ястанган «ягона иқтисодий макон»га эришганлиги, «Буюк ипак йўли»нинг асосан ва бошланғич қисми худди шу «ягона макон»дан ўтгани ва бошқа маълумотлар баён этилган.

Худди шунингдек, фикр юритилаётган мавзу бўйича Абдулҳаким Шарқий Жузжонийнинг «Турон бирлиги — тарихий зарурат» деб аталган мақоласини келтиришимиз мумкин. Бу мақола мазкур газетанинг 1995 йил 15 август сонида чоп этилган ва унда Туркистон бирлиги аниқ мисоллар билан асосланиб берилган. Умуман мазкур мавзу «Миллий тикланиш» газетасининг бошқа сонларида ҳам чоп этилиб турибди.

Шу кунларда «Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Ҳайъати «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуи бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режа асосида иш олиб бормоқда. Белгиланган тадбирларни Республикамизнинг Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академиясининг қўлёзмалар, тарих институти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, «Халқ бирлиги» ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» Республика жамоатчилик Маркази ва бошқа сиёсий партиялар, хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда ўтказишни режалаштирган.

Бундай тадбирлар Миллий тикланиш демократик партиясининг барча вилоят ташкилотларида, Тошкент шаҳар ташкилотида ўтказилиб турилиши назарда тутилган.

Кейинги вақтларда партиямиз Марказий Ҳайъати аъзолари «Туркистон — умумий уйимиз» ва байналмилал ғояларини амалга ошира бориб қозоқ шоири ва мутафаккири Абайнинг 150 йиллик таваллудига, буюк қирғиз эпоси «Манас»нинг 1000 йиллигига, корейс ёзувчиси Чо Мининг Хининг 101 йиллиги таваллудига, рус халқининг севимли шоири С. Есенин таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантаналарда бевосита иштирок этиб маърузалар қилдилар.

1996 йил Республикамизда катта тантаналар: Ўзбекистон Республикасининг 5 йиллик мустақиллик байрами, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, буюк ўзбек мутафаккир шоири, давлат арбоби Алишер Навоийнинг 555 йиллиги нишонланади.

Шу боисдан Миллий тикланиш демократик партияси марказий ҳайъати ана шу тадбирларни катта кўтаринки руҳ билан ўтказишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Тошпўлат ТОШЛОНОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий тикланиш
демократик партияси Марказий ҳайъати
раиси ўринбосари

МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Қадимдан ўзаро қўшни ва турли сиёсий уюшмалар таркибида бирга яшаб келган халқлар маданияти, дини ҳамиша бир-биримизга сезиларли таъсирини ўтказиб келган.

Бу таъсир ҳар бир халқнинг маданий, иқтисодий, сиёсий юксалишида ўз самарасини кўрсатган. Хусусан, Марказий Осиё халқлари ёзув тарихига назар ташлар эканмиз, уларнинг бевосита қадим оромий ёзуви таъсирида шаклланиб ривож топганлигининг гувоҳи бўламиз. Мелоддан бурунги IV — III юзйилликлар ва мелоднинг бошларида оромий хати такомиллашиб, унинг негизида бирин-кетин маҳаллий парфёний, бохтарий, авеста, хоразмий, суғд, ундан эса уйғур алифболари шаклланган. Ушбу ёзувлар узоқ тарихий биродарлик, бирга яшаш ва қўшничилик, маданий умумийлик асосида вужудга келди.

Ёзув маданияти тарихига назар солинса, Ўрта ва Марказий Осиёда яшаган халқлар ичида ягона алифбо билан чекланиб қолган улуснинг ўзи йўқ. Чунончи, суғд тили ўз тарихи мобайнида оромий, миллий суғд, мониий, сунёний ёзувларидан фойдаланган; қадимги хоразмий адабий тили учун хоразмий, кейинроқ араб алифболари амалда бўлган. Туркия халқларнинг ота-боболари эса туркий рун (урхун-енисей), уйғур, суғд, браҳма, мониий, араб ёзувларини қўлладилар.

Туркий халқларнинг араб хатига тўла-тўкис ўтгунларига қадар қўллаган алифболари орасида ҳозирда «уйғур хати» деб аталаётган умумтуркий ёзувнинг ўрни бениҳоя катта. Уйғур хати ўз турихи мобайнида уйғурларнигина эмас, балки бутун туркий халқларнинг умумий ёзувига айланди. У туркия алфози масофа ва замонларга етказиб беришга хизмат қилди, барча турк усулига умумий бўлган адабий тилнинг вужудга келуви ҳамда унинг такомилини таъминлаб берди.

Ёзма манбалар ушбу ёзувнинг суғдий негизда мелоднинг тахминан VI — VII юзйилликларида шаклланганидан далолат бермоқда. Муҳими шундаки, уни асосдош алифбо негизда бирданига, қисқа муддатда кашф этилган деб бўлмайди. Уйғур ёзувининг шаклланиши деганда суғдчанинг туркийлашувини назарда тутмоқ лозим ва у узоқ тарихий тараққиёт даврини ўз ичига олади. Уйғур хатининг шаклланиши суғд ва туркларнинг маданий, иқтисодий-ижтимоий, савдо муносабатлари, суғд тилининг халқаро миқёсга кўтарилуви, турк-суғд қўштиллигининг юзага келуви билан узвий боғлиқ.

Уйғур ёзувли энг қўҳна матнларнинг ёзуви суғд хатининг такомиллашган кўринишидан оз фарқланади. Чамаси, уйғур ёзуви ўзининг илк босқичида суғдчадан шакли ва хат услубига кўра у қадар узоқлашмаган. Аввалига ёзувнинг шакли эмас, унинг вазифасини туркчалаштириш бош ўринда турган. Суғд алифбосини туркий тиллар учун қўллаш оқибатида аста-секинлик билан ёзувнинг шаклий кўриниши ҳам ўзгара борган ва у асосдош алифбодан ажраб мустақил тараққиёт йўлига кира бошлаган.

Уйғур хатининг жорий даври жуда узоқ муддатни ўз ичига олади. Айниқса, унинг туркий халқлар араб ёзувини қўллай бошлаганларидан кейин ҳам ўз мавқеини йўқотмаганлиги эътиборга лойиқ.

Маълумки, X асрда қорахонийлар давлатида ислом расман қабул қилинди. Шу муносабат билан турклар араб ёзувини ҳам қўллай бошладилар. Лекин араб хати қадимги турк ёзувини бутунлай суриб чиқара олгани йўқ. Уйғур хати Урта Осиёда то XV аср охиларига қадар арабий билан ёнма-ён қўлланилди. Шарқий Туркистондаги турк-буддачилар эса XVIII юзйилликда ҳам ундан фойдаландилар.

Уйғур хати ўз тарихи давомида, ҳатто араб алифбоси билан ёнма-ён қўлланган кезда ҳам турк давлат ва салтанатларининг расмий ёзуви бўлиб келди. Бу ҳақда XI асрда яшаб ўтган машҳур тилшунос Маҳмуд Қошғарий ёзади: «Барча ҳоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари, қадимги замонлардан шу кунгача, Қашқардан Чингача — ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган». Темурийлар замонида яшаб ўтган тарихчи Ибн Арабшоҳ ҳам ушбу ёзувнинг чиғатойликларда шуҳрат топганлигини алоҳида таъкидлаган эди: «Улар (чиғатойликлар) ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайди, чунки бу уларда ризқ очқичидир».

Бизгача сақланган уйғур ёзувли обидаларнинг энг кўҳналари VI — X асрларга мансубдир. Ў пайтларда туркий халқларнинг диний эътиқодлари ҳам бошқача бўлган: кўк тангри инончи, буддачилик, монивийлик, настурийлик, кейинчалик ислом. Ўша чоғда яратилган бадиий асарларда туркларнинг ана шу диний эътиқодлари ўз аксини топган. Монивийларнинг тавбаномаси «Хуастуаниф» буддачиликнинг «Майтри симит», «Олтун ёруғ», «Сюан-цзанниг кечмиши» каби ўнлаб нўм битиглари (муқаддас китоблар шундай дейилган) шулар жумласига киради. Булардан ташқари илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарлар, расмий ҳужжатлар ҳам етиб келган.

Уйғур ёзувининг тарихи хусусида сўз кетганда ислом даврини ҳам алоҳида тилга олса арзийди. Шу даврдан бошлаб туркий халқлар ёзув маданияти ва китобатчилигида катта ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бунинг изларини бизгача сақланиб қолган ёзма обидаларда кузатиш мумкин.

Бу кезларда уйғур ва араб ёзувларининг ёнма-ён қўлланилуви оқибатида баъзи асарлар ҳар икки ёзувда битилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», Юсуф Амирийнинг «Даҳнома», Мир Ҳайдар қаламига мансуб «Маҳзану-л-асрор» асарларининг ҳар икки ёзувда қўлёзмалари бор.

Туркий халқлар оғзаки адабиётининг энг қўҳна намуналаридан бири «Уғузнома» достонининг қадимий варианти ҳам бизгача уйғур хати орқали аён. Лутфий, Саккокий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа намояндаларининг уйғур хатида битилган шеърлари маълум. Шунингдек, ушбу ёзувда етиб келган «Сирожу-л-қулуб», «Роҳату-л-қулуб», «Меърожнома», «Масъала китоби», «Тазкираи авлиё» каби диний-фалсафий ва ахлоқий асарларни биламиз. Ушбу даврдан қолган ёрлиқлар ҳам бор. Тўхтамишхоннинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиги, Темур Қутлуғнинг 1397 йили ёзилган ёрлиги, Заҳириддин Бобурнинг отаси Умаршайхнинг 1469 йили Андижонда битган нишони (гувоҳномаси) шулар жумласига киради.

Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда уйғур хатига эътибор кучли эди. Ушбу маданий муҳитда қўҳна турк хатининг безак имкониятлари ғоят қадрланган. Ана шу



кезларда араб хати билан бир қаторда уйғур ёзувида ҳам ажойиб қўлёзма китоблар битилди, уйғур китобат-хаттотлик санъати беқиёс гўркираб кетди. Боболар ёзув анъанаси давом этиб қолмай, ёзувнинг янги-янги ҳуснихат услублари пайдо бўлди. Язд, Ҳирот, Самарқанд, Андижон маданий марказларида уйғур хатида битувчи хаттотлар (уларни «бахши» деганлар) мактаблари ҳам вужудга келди.

Умуман, уйғур хати ёзув маданияти силсиласида ўзининг муносиб ўрнига эга. Туркий халқлар ёзув тарихи хусусида сўз борганда уни четлаб ўтиш асло мумкин эмас.

Бир сўз билан айтганда, қадимий ёзувлар аждодларимизнинг улуғ кашфиёти бўлиб, қўҳна заминимизда амал қилган яхлит бир маданий жараённинг маҳсулидир. Улар Туронзамин халқлари маданияти тарихининг умумий эканлигидан далолат беради. Бу ўлка халқлари ягона маданий муҳитда, бир-бирларининг қўмагу таъсирида бебаҳо обидалар яратиб, келажак учун мерос қолдирганлар.

Айни пайтда қадим ёзувларни ўрганиш, уларда битилган матнлар мазмуни ҳозирги авлодларга етказиб бериш олимларимиз олдида муҳим вазифа бўлиб турибди. Шу ниятни амалга оширмоқ мақсадида Ўзбекистон ФА Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтида ўн беш йил муқаддам академик Азизхон Қаюмовнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўрта Осиё халқларининг араб ёзувига қадар қўллаган алифболари ва уларда битилган обидаларни ўрганиш бўйича илмий йўналиш йўлга қўйилган эди. Ҳозир бу соҳада икки бўлим фаолият кўрсатмоқда. Уларда туркий рун (урхун-енисей), суғд, хоразмий, қадимги уйғур, авеста ёзма ёдгорликлари устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳозиргача анча ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали режалар катта.

Институтда битигларни ўрганиш иши асосан уч йўналишни ташкил этади: 1) ёзма ёдгорликларни филологик ва тарихий жиҳатдан ўрганиш; 2) обидаларнинг илмий матнларини яратиб, ҳозирги ўзбекчага ўгириш; 3) ёзма меросимизни оммага етказиш. Яна бу соҳада жиддий эътибор берилуви зарур бўлган ишлардан бири ёш мутахассисларни тайёрлашдир. Муҳими, ёзма обидаларни Европа ёки чет эл олимларининг транскрипцияга ўгириб берган нашрларидан эмас, балки асл манбалардан ўқиб, улар устида тадқиқот олиб борадиган ёш мутахассисларни етиштирмоқ керак. Бу эса институт олимларининг кўп йилларга мўлжалланган вазифасидир. Бу йўлда, аввало, республика олий ўқув юртларининг филология, тарих факултетларида Урта Осиё халқларининг қўҳна ёзувларини махсус кўрс сифатида ўқитиш лозим бўлади. Бу ишнинг ўзига хос мураккаблиги бор. Чунончи, алифбони ўрганиб олиш у қадар мушкул эмас. Қолаверса, ёзувни билган билан матнни бемалол тушуниб кетавермайди. Масала, ёдгорлик матнини ўқий олиш ва уни тушуна билишда. Бунинг учун ёзув билан бир қаторда ёдгорлик тилини ҳам билмоқ керак. Шу боис, ёзувларни қадимги тиллар, яъни тил тарихи билан боғлаб ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Қўҳна заминимизда белги-товуш мувофиқлигига асосланган алифболи ёзувнинг қўлланилув тарихи салкам икки ярим минг йилга яқинлашади. Шуни назарда тутиб институт олимлари яқин йилларда Урта Осиё халқлари ёзув маданияти тарихига бағишланган кенг қўламли тадбир ўтказишни мўлжалламоқдалар. Ушбу тадбирнинг ўтуви ўтмиш маънавий қадриятларимизни тиклаш йўлида катта ишлардан бўлади деган ниятдамиз.

Қосимжон СОДИҚОВ, филология фанлари доктори

АБАДИЙ ЎЧМАС БИТИКЛАР

Она заминимиз Туркистон жаҳон маданияти, умумбашарий маънавият хазинасига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг ҳамда ҳозир бу ерда яшаб турган ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз ва бошқа халқларнинг умумий уйи — ватанидир.

Жаҳон халқлари маданий тараққиётини ёзув ва ёзув маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, айни ёзув инсоният тафаккури ва маънавияти тажрибаларини замонлар оша бугунги авлодга етказишнинг энг зарур омилидир.

Ёзув маданиятининг энг қадимги ўчоқлари бўлмиш Миср, Икки дарё оралиғи (Месопотамия), Олд Осиё кабилар қаторида Туркистон заминимиз ҳам алоҳида ўринга эга. Агар ёзув яратиш ҳаракатининг дастлабки қадамларини биз қоя тошларга ишланган сонсаноқсиз ажойиб суратларда кўрадиган бўлсак (мезолит давридан бошлаб то дастлабки милодий асрларга қадар) бугунги кундан 2500 йиллар аввал ўлкамиз халқлари илк бор чизма белгиларда нутқ товуши ифодаловчи (фонетик) ёзув тажрибасига етиб келган. Ўша давр тарих тақозоси билан Турон халқлари ахмонийлар Эрон салтанатида қулай ва илғор фонетик ёзув сифатида давлат ишларида фойдаланилган орамий ёзуви билан танишишган. Орамий ёзуви ўз ўрнида Канъон юртида (Финикияда) яратилган қадимий ёзувдан ўсиб чиққан эди. Шундай қилиб, Шомий ўлкаларда яратилган илк шомий, канъоний, орамий ёзувлари тажрибаси асосида милоддан аввал V-III асрлар орасида Суғд, Хоразм, Бохтар, Парфия каби ўлкаларда уларнинг ҳар биридаги маҳаллий тилни ифодалашга мўлжалланган янги ёзувлар яратилди. Бу ёзувлар ўз аждодлари орамий ёзувидан фонетик ифода жиҳатидан фарқ қилувчи мутлақо мустақил алифбо тизимига эга эди. Асос эътибори билан янги яратилган суғд, хоразмий, парфёний, бохтарий ёзувлари 22 ҳарфдан иборат орамий алифбоси тизимини а б г д ҳ в з х т й к л м н с айн р ц қ р ш т тарзида давом эттиргандек. Лекин мазкур янги алифболарнинг ҳар бирида ўзи хизмат қилган тил товушларини ифода этувчи жиддий ўзгаришлар акс этган. Фонетик ёзув (бу эса ёзув тарихида юқори даража ҳисобланади) яратиш 2500-2000 йиллар аввал яшаган аждодларимизнинг чин маънода улкан филологик билимларидан далолатдир.

Умумий Ватанимиз Туркистонда араб ёзуви жорий қилинган VIII асрдан 1200 йил чамаси қадимда фонетик ёзув маданиятининг шаклланиши улкан маданий воқеа бўлибгина қолмай, шарқ халқлари орасида қатор янги ёзувлар пайдо бўлишига — бир сўз билан айтганда, қадимги шарқ ёзув яратувчилик эстафетасига асос бўлди (қадимги туркий, уйғур туркийси, мўғул ва манчжур ёзувлари).

Аждодларимизнинг араб ёзувидан аввалги ёзув маданиятида суғд хати ўзининг халқаро ёзув даражасига етгани, тарқалиш доираси, ишлатилган жабҳаларининг кенг ва хилма-хиллиги билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Суғд ёзуви, юқорида айтганимиздек, милоддан аввалги IV-III асрларда яратилган. Унинг энг қадимги намуналари милоддан аввалги II—милодий I асрларга оид тангаларда етиб келган. Сопол парчаларига ёзилган хўжалик битигларининг энг қадимийси II-III асрга оид. Ҳозирги Ўзбекистондан милодий IV аср бошларига оид суғдча шахсий мактублар ҳам топилган. Улар бир томондан, суғдларнинг халқаро савдо муносабатларида фаол иштирок этганини, иккинчи томондан эса, қадимда аждодларимизнинг мактуб ёзиш — муншаот маданиятининг ёрқин намуналаридир.

Милодий VI аср ўрталарида шаклланган I турк хоқонлигида ҳам суғд ёзувининг мавқеи етакчи бўлгани ҳозирги Мўғулистондан топилган Буғут ёдномасида акс этган. Бу ёдгорлик катта тош лавҳага суғд ёзувида ва суғд тилида битилган. Уни қадимги турклар Мухан хоқон (553—572 йиллар)нинг укаси Махан текин қабрига ўрнатишган. Суғдча матн қадимги туркий қабр ёзувларига ўхшаш марсия жанридадир. Бундан ташқари Буғут битигида туркларнинг I турк хоқонлиги даври ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар сақланган.

Суғд ёзувининг VI-VII асрларга оид бир неча ёдгорлиги Самарқандда Афросиёб қазишмаларида топилган. Улардан бири йўнилган тол ёғочига (15 x 2,5 см) қора ранг билан ёзилган тилхат бўлиб, унда арслон сотилгани, савдо қилувчи томонлардан бири 50 статер (статер 4,25 г) олтин миқдорида қарз бўлгани тўғрисида гап беради. Яна бир суғд ёзуви VII аср ўрталарига оид Суғд подшоси Вархуманнинг Афросиёбдаги саройи деворига чизилган суратлар орасида, шу сурат қаҳрамонларидан бирининг этагига битилган. Матн 16 қатор. Юқоридан пастга йўналган. Унда Вархуман саройига подшоси турк — Туронтош исмли киши бўлган Чағониён (ҳозирги Сурхондарё вилояти) подшолигининг элчиси Буркзоданинг Самарқандга келганлиги тўғрисида гап боради. Бу битиг илк ўрта асрларда сиёсий ҳаёт, Туркистондаги давлатлараро муносабатлар ҳақида қимматли маълумотдир.

Суғд ёзма ёдгорликлари орасида Муғ тоғидаги қаср харобасидан 1932-1933 йилларда топилган Панч вилояти ҳокимларининг VII-VIII аср биринчи чорагига мансуб ҳужжатлар архиви ғоят муҳим ўрин тутади. Архивда 80 га яқин ҳужжат бўлиб, улар Суғднинг араб истилоси давридаги ижтимоий, сиёсий аҳволи, хўжалик муносабатлари, ҳуқуқий масалалар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Суғд ёзуви асосида юксак китобат иши ва китоб маданияти юзага келди. Масалан, Рустам ҳақидаги халқ достонининг бир парчаси, табобат ва ирим-чиримлар амалиётига бағишланган китоб бўлаги, исломгача суғдлар орасида ёйилган зардуштийлик, монийчилик, насорийча христианлик билан бир қаторда будда диний эътиқоди муқаддас китоблари намуналари ҳам кўплаб етиб келган. Булар Будданинг ибратли ҳаёт йўли ҳақидаги жатакалар, будда аҳкомларидан иборат фалсафий-ахлоқий сутралар ва бошқалардир.

Суғд ёзуви ёдгорликларининг энг сўнгги даври X — XI асрлар билан чегараланади. Бу даврда ўлкамизда ислом дини ва араб ёзуви кенг ёйилган эди. Суғд жамияти тарихан «ўла бошлаган», суғдлар туркий ва эронийзабон тожиклар орасида, ҳамда ипак йўли савдо карвон манзилларида яшаган бошқа халқлар билан қоришиб кета бошлаган эди. X аср тарихчиси Наршахий «Тарихи Бухоро» китобида ўз вақти учун суғд тили «рустаклардагина (қишлоқ жойларда) қолди», деб кўрсатган эди. Лекин, шунга қарамай, Суғд мамлакатидан ташқарида Буюк ипак йўли бўйлаб суғд тили ва ёзувининг халқаро мавқеи ҳали таъсирга эга эди. Шунинг бир мисоли IX — XI асрларга оид қатор суғд ёзуви намуналарининг Талас водийсидан, Еттисув, ҳозирги Қирғизистон, Шарқий Туркистон ўлкаларидан топилганидир. Ва ниҳоят, 1025 йилда битилган (Эрон сосонийлар сулоласининг охирги вакили Йаздигирд III нинг эраси бўйича сана қўйилган) қоя тош битиглари Таласдаги Тераксой ва Қулонсойдан топилганки, бу ёдгорликлар суғд ёзувининг фанда маълум энг сўнгги намунасидир. Суғдлар «миллий» суғд ёзувидан ташқари христиан черкови (насорий мазҳаби) жамоалари орасида диний китоблар учун сурёний ёзувидан ҳам ўз тилларига мослаб алифбо яратишган. Сурёний суғд ёзувида бизгача суғд тилли Инжил парчалари, авлиёлар ҳаёти ҳақидаги ривоятлар етиб келган.

Милодий 216 йили Бағдод яқинида дунёга келиб 12 ёшида илоҳий ваҳийга мушарраф бўлган ва пайғамбар бўлган Моний (уни Абу Райҳон Беруний ислом динимиз нуқтаи назаридан туриб сохта пайғамбарлар қаторида кўрсатган) ўз диний системасини яратган. Бу дин ҳам исломга қадар суғдлар ва турклар ўртасида кенг тарқалган эди. Моний ўз диний таълимоти —Нур ва Зулмат ўртасида кураш ва Ёруғликнинг ғалабасига ишонч ғояларини ёйиш учун мустақил ғўзал ёзув яратган эди. Бу ёзув ҳам моний жамоалари орқали суғд ва турк халқлари орасида кенг тарқалган бўлиб, унинг ёдгорликлари «Моний инжили», «Аржанг» (рассомлик санъати қонунларига бағишланган Монийнинг асари), Моний кечмиши китоби, Тавбанома ва бошқа матнлар тарзида етиб келган. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, суғд, хоразмий, парфёний, бахтарий, авеста ва бошқа ёзувлар халқларимизнинг муштарак маданиятини шакллантиришда буюк аҳамият касб этган. Бу ёзувлар аллақачон унутилган эди, лекин азалда битилган абадий ўчмас деганларидек, уларни тарихий-қиёсий асосларда ўрганиб, қайта жонлантириш, ўтмишимизни билишга хизмат қилдириш имконияти бугун мавжуддир.

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ,
тарих фанлари доктори



ТИЛ БИР, ДИЛ ЯҚИН, МАҚСАД МУШТАРАК

Президентимиз академик И. А. Каримовнинг «Туркистон — умумий уйимиз» деган гапида катта мазмун ва илмий асос бор.

Ҳақиқатан ҳам, фақат Марказий Осиё туркий халқларини олганимизда ҳам улар ягона илдизли қудратли бир дарахтнинг уч шохи — бу шохларнинг бири туркий халқлари ва тилларининг қарлуқ гуруҳини, иккинчи шохи қипчоқ гуруҳини, учинчи шохи ўғуз гуруҳини ташкил этади.

Бу халқларнинг ўзлари ва тиллари туркий тиллар оиласига киради, улар бир-бирини яхши тушунади, зеро тилнинг фонетик системаси, лексикаси, грамматик қурулиши бир-бирига ўхшаш, бир-бирига яқин.

Марказий Осиёда истиқомат қилаётган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур халқларининг ери ҳам туташ, икки дарёдан сув ичади. Ҳатто ҳозирги ҳар бир республика ичида бошқа республиканинг ерлари, халқлари жойлашган: Ўзбекистон таркибида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ерлари ва халқлари, Қозоғистон таркибида ўзбек ерлари ва халқлари яшайди. Тожикистонга келсак, тожик тили эрон тиллари оиласига кирса ҳам, истиқомат қиладиган ҳудуди бир, бир-бирига ёндош бўлгани учун ҳам тожик ва туркий халқларининг шаклланишида бир хил уруғлар иштирок этган.

Марказий Осиё халқлари бир-бирига қондош, қариндош. Ўзбек оилаларига тожик, қозоқ, қирғиз, туркман қизлари келин бўлиб тушганлар, куёв бўлиб кирганлар. Тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур оиласи ҳам тарихда ҳам, ҳозир ҳам қиз бериб, қиз оладилар.

Марказий Осиё халқларининг турмуш тарзи, урф-одати, маданияти ҳам бир-бирига яқин. Об-ҳавоси бир хил бўлгани учун экин-текини ҳам бир хил.

Бу ҳудуддаги халқларнинг дини ҳам бир: ҳозир улар ислом динида — мусулмон бўлсалар, исломгача бўлган замонда, мажусий, будда каби динларда бўлганлар.

Ёзувнинг умумий бўлиши ҳам бу халқларни бирлаштирувчи омиллардан биридир. Ҳозир улар кирилл алифбосини қўлласалар, 30-йиллардан 40-йилларгача лотин алифбосини ишлатардилар. Асримизнинг 20-йилларга қадар араб ёзуви ишлатилди. Араб ёзувига қадар Марказий Осиё халқлари ўз ёзувлари — руний, уйғур, брахма, суғд, моний, хоразм ёзувларини ишлатганлар (ҳар бир ёзув мақсадга кўра қўлланган — браҳма, моний ёзувлари диний асарлар учун, бошқа ёзувлар адабий, расмий мазмундаги асарлар учун ишлатилган).

Марказий Осиё халқлари ҳар вақт ягона бир давлат бўлиб келган. Мелоддан аввал бу ҳудудда эронзабон суғдиёна, хоразм каби давлатлари билан бир қаторда туркийзабон давлати бўлган эди.

Бошқа давлатлар таркибида ҳам туркийзабон қабилалар бўлган. Туркий тилнинг мавқеи ортиб, Марказий Осиёда туркий давлат асосий ўринни эгаллади, бошқа давлатларни ҳам сиёсий ва тил жиҳатдан ўз таъсирига олди. Мелодий I асрдан Кушан, V асрдан эфталит, VI асрдан турк ҳоқонлиги, X асрдан Қорахонийлар давлати, XIV асрдан Буюк Темур давлати ҳукм сурди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан (Нодиршоҳнинг 1747 йилдаги ўлимидан сўнг) Марказий Осиёда маданияти, урф-одати, тили бир хил бўлган учта хонлик — Қўқон, Бухоро, Хоразм хонликлари вужудга келди. Рус аскарлари XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёни забт этгач, Қўқон хонлиги йўқотилди. Бухоро ва Хоразм хонликлари вассал бўлиб, кейинроқ бу хонликлар ҳам қўшиб олинди. Октябр тўнтаришидан сўнг 20-йилларнинг иккинчи ярмидан Марказий Осиё халқлари бўлиниб ташланиб, ҳар қайсиси алоҳида республикаларга айлантирилди.

Марказий Осиё халқлари юзлаб туркий уруғ ва қабилаларнинг бирикишидан шаклланди. Мелодгача I мингинчи йиллар (мелодгача бўлган III-II асрларда) мобайнида ички курашлар ва хитойларнинг таъсири билан хун ва юечжи халқлари ғарбга кўчади. Аммо туркий уруғларнинг бир қисми (сариқ уйғурлар) Марказий Хитойда қолади, ҳозир ҳам ўша ерда истиқомат қилади. Кўчган туркий уруғларнинг бир қисми Сибирда қолади (ҳозирги ёқут, ойрот, чулим ва бошқа халқлар), бир қисми Олтойга жойлашади, бир қисми марказий Осиё туркий қабилаларига қўшилиб кетади. Бир қисм уруғлар Европага, Венгриягача бориб жойлашади. XI асрда турклар Олд Осиёни эгаллайди.

Туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг энг қадимги ёзма ёдгорликлари — тош, суяк, ёғоч, териларга ёзилган манбалардир. Бу манбалар Сибирда, Монголияда, сўнгра Енисей дарёси бўйида, марказий Осиёнинг ўзида, ҳатто Европада (Венгрияда) ҳам топилди. (Уларнинг сони 120 дан ортиқ). Ёзма манбалар Маҳмуд Кошғарий (XI аср) ва Ибн Арабшоҳга (1389—1450) маълум бўлса-да, Европа олимлари учун XVII асрдан маълум бўлди (И. Страленберг, Видзен, Ремезов). Бу ёзма ёдномаларни ўқишга 1842-1843 йиллари муяссар бўлинди (Томсен, Радлов). Қадимги туркий ёдномалар соҳасида 300 йилдан бери илмий тадқиқотлар олиб борилади. Бу тадқиқотларда туркий халқлар ва тилининг бир-бирига қариндошлиги, уларнинг келиб чиқиши бир манбадан экани аллақачонлар исботланган.

Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуси билан тили, дини, мақсади, маданияти бир бўлган, ери туташ Марказий Осиё халқларининг уйи бир, дили бир эканлиги таъкидланиб, бу ҳудуддаги давлатларнинг ҳамкорлиги ташкил этилди ва ягона иқтисодий йўналишлар белгиланди. Бу ҳудуддаги халқлар бир-бирига қўлини берса, ягона мақсад сари интилса, халқларнинг турмуши фаровон, келажаги буюк бўлади.

Ғанижон АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҲАЙЪАТИНИНГ 1995 — 1996 ЙИЛЛАРДА «ТУРКИСТОН—УМУМИЙ УЙИМИЗ» МАВЗУИДА ЎТКАЗАДИГАН ТАДБИРЛАРИ.

Октябр, 1995 йил.
«Туркистон ва Турон қадимий ёзувлари — ўтмиш

Бобур ва Мирзо Ҳайдар

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари Шарқ тарихий-адабий манбалари орасида олий ўринга эгадир. Кўпчилик тадқиқотчилар ҳақли равишда Шарқ мемуарчилик адабиётида унга тенг келадиган бошқа бирор асар мавжуд эмаслигини эътироф этадилар. Шу билан бирга, «Бобурнома» яратилган давридаёқ ўнга тақлид қилиб, таяниб бир қанча асарлар ёзилган. Бу улуғ асарга эргашиб Бобурнинг ўз бўласи, яъни холасининг ўғли Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ҳам қимматли асар яратган.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар 1499 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Унинг отаси Муҳаммад Ҳусайн кўрагон Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон томонидан Ўратепа вилояти ҳокими этиб тайинланган. Баъзи йилларда Тошкентда ҳам истиқомат қилган. Онаси Хуб Нигорхоним Мўғулистоннинг марҳум хони Юнусхоннинг қизи ва Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг синглиси бўлган. XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга Шайбонийхоннинг юришлари даврида Муҳаммад Ҳусайн кўрагон Ўратепани ташлаб, бир неча йил давомида турли ўлкаларда саргардон бўлиб юради. 1509 йилда у Хуросонда Шайбонийхон буйруғи билан қатл этилади. Бу пайтда Бухорода бўлган ўн ёшли Мирзо Ҳайдарнинг ҳам ҳаёти хавф остида қолади. У отасининг дўстлари кўмагида тарбиячиси Мавлоно Муҳаммад Садр билан Бадахшондаги Қалъайи Зафарга етиб боради. Ўша пайтда Қалъайи Зафар ва унинг атрофидаги кичик ва юпун вилоятда Муҳаммад Ҳайдарнинг холаваччаси ҳамда Бобурга ҳам ота ва ҳам она томонидан қариндош бўлган Мирзахон ибн Султон Маҳмуд ибн Султон Абусаид ҳукмронлик этарди. Бадахшоннинг қолган обод вилоятлари кўчманчи ўзбеклар ва кошғарликлар томонидан эгалланган эди. Мирзо Ҳайдарнинг Бадахшонга келганидан хабар топган Бобур бу вилоят нотинчлигидан ташвишланиб, уни Кобулга ўз ҳузурига чақириб олади. Кобулда Бобур Мирзо Ҳайдарга оталарча ғамхўрлик қилиб, унинг тарбияси ва илм касб этишига ғоят катта эътибор билан қарайди. Бадахшондан Кобулга сафари ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан мулоқотини Мирзо Ҳайдар ўз асарида қуйидагича тасвирлайди: «Баҳор ўтгач, тийрамоҳ охирида Бобур подшоҳдан Мирзахонга вожиб ул-изъон[1] фармон етиб келди. Унинг мазмуни шундай эди: «Ёзнамиз Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг ўғли сенинг ҳузурингдадир. Сенинг ҳудудинг ўзбеклар чегараларига туташган. Ҳамиша уларнинг таҳдиди хавфи ва ваҳимаси бизнинг хотиржамлигимизни барбод этадур. Шу сабабли унинг (Мирзо Ҳайдарнинг) у ерда бўлмоғи мушкулликлар туғдиради. Уни бизнинг ҳузуримизга жўнатмоғинг лозимдир».

Мирзахон мени Кобулга жўнатаётганида кўп ҳаракатлар қилиб бир сидра тузук кийим-бош топтириб берди ва йўлга тушишга ижозат этди... Шундай қилиб ражаб ойининг бошида мен Мирзахондан ажралиб, Қалъайи Зафардан Кобул сари жўнадим. Менга ўн олти киши ҳамроҳ бўлганди. Бизда икки отдан ташқари бошқа ҳеч нарсамиз йўқ эди. Ҳатто кечалари тунамоққа ярарлик ашёлардан маҳрум эдик. Бизга ота каби бўлиб қолган Мавлоно Муҳаммаднинг бисотида Бадахшоннинг энг камбағал одамлари ёпинадиган бир шолдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Қолган аҳволни шундан қиёс қилиб билса бўлади.

Кобулга етиб келганимизда бизни Бобур подшоҳга ва менга она томонимиздан бир хилда қариндош бўлган Ширим Тағой кутиб олди. У бизни юксак эҳтиром билан ўз уйига тушириб, бизга нисбатан беҳад иззат-ҳурмат ва инсонийлик зоҳир этди. Сўнгра подшоҳ одам юбориб, уч кундан сўнг саодатли соат бўлиши ва ўша пайтда мени ўз ҳузурига чақиртиришини маълум қилди. Толеъ ойи ва бахт ёритқичи кусуф[2] ва хусуф[3] чегарасидан чиққач, шарафли даргоҳга мулозимат учун бордим. Подшоҳнинг саодатли назари менга тушгач, шафқат ва меҳрибонлиги зўридан гавҳар сочувчи муборак кўзларидан кўз ёшларини гўёки ипга тизилган марварид доналаридек шашқатор қилди. У лутф изҳор этиб мен томон юзланди ва иноят билан қаршилаб марҳамат қўлини узатди. Камина таъзим қилиб олдига борганимда мени шафқат қучоғига олди ва оталарча меҳр билан кўксига босди. У бир қанча муддат мени шу ҳолда тутиб турди, яна таъзим қилмоғимга қўймади ва ўз ёнида ўтиргизди. Қалби бағоят ҳиссиётли бўлганидан яна бир қанча муддат айтиб ўтилган тарзда кўзларидан гавҳар сочди. Айни дамда деди: «Сен бек язнам, хон додам[4], биродарлар ва қариндошлар шаҳид бўлганларидан сўнг омон қолиб, Оллоҳга шукрлар бўлсинки, соғ-саломат менинг олдимга етиб келдинг. Энди зинҳор улардан жудолик туфайли қайғурмагин. Уларнинг ўрнига энг яхши бадал менман. Мен сенга улар бериши мумкин бўлганидан ҳам зиёдароқ меҳр-шафқат кўрсатаман». Шу тариқа, у менга нисбатан бисёр навозишлар ва лутфлар қилдики, етимлик дардлари ва ғариблик кулфатлари бутунлай хотиримни тарк этди... Мен ташқари чиққанимда бир киши бениҳоя такаллуфлар билан менга пешвоз чиқди ва таъзим қилиб деди: «Подшоҳ сиз учун бир уйни тайин қилганлар ва камина сизни у ерга бошлаб борурмен». У олдинга тушиб мени ғоятда кўркам бир ҳовлига олиб борди. Хоналарга гиламлар тўшалган ва дид билан анжом ва ёстиқлар қўйилганди. Фароғат учун зарур бўлган нарсалар—озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда ходимлар ва хизматкорлар бу ҳовлида ҳамма учун етарли тарзда муҳайё қилинганди. Одамни бўғилишга мажбур этган ва руҳни тор қафасга солган ул уқубат ва фалокатлардан сўнг бундай турли-туман неъматлар, фароғат муҳайё қилинган кенг ва сафоли жойга тушсанг, бунинг шукрини қай тил билан баён этиш мумкин?! Оллоҳ унга яхшилик билан қайтарсин!

Шу тарзда мен кўп муддатларни Кобулда подшоҳ Бобурнинг мулозаматида фароғат ва осойишталиқда ўтказдим. У доимо яхши муомала ва очиқ кўнгиллик ҳамда қатъийлик ва талабчанлик билан мени илмлар касб этишга ундарди. Агар менинг андак илм эгаллаганимни пайқаса, менга нисбатан ўз илтифотини яна ҳам зиёдароқ этишга интилар ва бу ҳақда барчага гапириб, таҳсин айтишни талаб қиларди. Ўша муддат давомида у мен билан шу қадар меҳр-шафқат ила муносабатда бўлдики, фақат мушфиқ ва меҳрибон ота-оналаргина ўз фарзандларига нисбатан шундай қиладилар. Подшоҳнинг лутф-иноятлари туфайли қайғу ва кулфат кунларидан иборат бўлган қийинчиликлар даври унутилиб кетди.

Шу пайтда то тўққиз юз ўн саккизинчи йилгача (1512-1513 йил) мен подшоҳнинг мулозаматида бўлдим. Агар у отда (бирон тарафга) чиқса, мени ўзига ҳамроҳ бўлиш шарафига муяссар этарди. Суҳбат пайтларида мени ҳамсуҳбатлик мартабаси билан сарафроз этарди. Алқисса, машғулотлар пайтидан ташқари барча ҳолларда мени ўзидан жудо қилмасди. Сабоқдан фориғ бўлганимда мени чақириш учун одам келар ва шу тарзда ҳамиша менга оталарча ғамхўрлик қилди» («Тарихи Рашидий»дан).

Уч йилдан сўнг Мирзо Ҳайдар Бобурдан рухсат олиб Андижон ва Кошғар тарафга тоғаваччаси Султон Саидхон (1514—1533) олдига жўнайди. У то 1533 йилгача, яъни Султон Саидхон ҳукмронлигининг охиригача унга хизмат қилади. Бу даврда у ўзининг саркардалик истеъдодини ҳам намоён этади. Хон буйруғига кўра Бадахшон, Кофиристон, Тибет каби ўлкаларга қилинган ҳарбий юришларни бошқаради. 1533 йилда Султон Саидхон вафот этгач, у баъзи сабабларга кўра Кошғарни тарк этиб, олдин Бадахшонга, сўнг Лоҳурга Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо олдига боради. 1540 йилда Мирзо Ҳайдар Аграга Ҳумоюн ҳузурига боради, 1541 йилда эса бобурийлар номидан Кашмирни эгаллаб, то 1551 йилгача бу ўлкани деярли мустақил ҳукмдор сифатида идора этади. Шу йили у тоғлик қабилалар билан тўқнашувда ҳалок бўлади.

Ҳаётининг кўп қисми худди улуғ қариндоши Бобурникидек деярли тинимсиз саргардонлик, сафарлар ва ҳарбий юришларда ўтганига қарамай Мирзо Ҳайдар ўз даврига нисбатан юқори даражада маълумот олишга муваффақ бўлган эди. «Бобурнома»даги Мирзо Ҳайдар ҳақидаги ушбу сатрлар унинг нақадар истеъдодли бўлганини кўрсатади: «Хат ва тасвир, ўқ ва пайкон ва зеҳгир ҳар нимага илиги часпондур. Табъи назми ҳам бордур. Менга арзадошти келиб эди, иншоси ҳам ёмон эмас».

Улуғ Бобурнинг бу юксак баҳосига муносиб равишда Мирзо Ҳайдар Кашмирда эканлигида «Тарихи Рашидий» номли ажойиб асар яратади. Бундан ташқари унинг туркий тилда ёзилган географияга оид «Жаҳоннома» номли шеърий рисоласи бизгача етиб келган.

Мирзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асари муқаддимасида таъкидлаганидек, китобни ёзишдан мақсад Мўғулистон мамлакатининг Туғлуқ Темурхон даврида (1347 йили тахтга ўтирган) то муаллиф замонасигача бўлган тўлиқ ва изчил тарихини яратишдир. Маълумки, XIV аср ўрталарида Чиғатой улуси емирилгач, унинг шарқий вилоятларида Мўғулистон давлати ташкил топган эди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ушбу давлатнинг сиёсий ҳаётида катта мавқе тутган дуғлот қабиласига мансуб амирлар хонадонидан эди. Мирзо Ҳайдар мўғул хонлари ва Мўғулистон мамлакати тарихига оид алоҳида бир тарихий асар йўқлигидан қуйиниб, бу ишни ўзи амалга оширишга жазм этиб қўлига қалам олганини айтади: «Мўғуллар ислом динини қабул қилгандан сўнгги давр ҳақида мўъжазгина тарихий асар ҳам йўқ. Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқ олимлари ўз даври ҳукмдорлари учун таълиф этишган тарихий асарларида сўз жараёни мўғул хоқонлари аҳволига дахл этганда ўз ҳикояларига алоқадор воқеаларнигина баён этганлар. Нимаики уларнинг ҳикоялари доирасидан ташқарида бўлса, буларга эътибор қилишмаган. Хожа Рашидиддин Фазлуллоҳнинг «Жоме ут-таворих», Хожа Ҳамдуллоҳ Муставфийнинг «Тарихи гузида», Мавлоно Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мавлоно Абдураззоқнинг «Тарихи манзум»[5] ,Мирзо Улуғбекнинг «Улуси арбаа» асарлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳар бирида мўғул хонлари[6] аҳволидан озгинадан келтирилади, аммо бирон воқеани яхлит ҳолида билиб олиш мумкин эмас.

Оллоҳнинг энг ҳақир қули бўлмиш каминада болалик чоғларидан бошлаб ўтмишда яшаган одамлар аҳволини ўрганишга кучли бир ҳавас бор эди. Ул айёмда мўғул амирлари ва аъёнларидан баъзилари ҳаёт бўлиб, уларнинг ёшлари юздан ўтган ва юзга яқинлашган эди. Оллоҳ далилини мунаввар қилгур отам... ва Худо раҳмат қилгур амакиларим ўз оталари ва бошқа ишончли ровийлардан мўғул хонларининг қилган ишлари ҳақида эшитганларини сўзлаб беришарди. Орадан анча замонлар ўтди ва у одамлардан ҳеч киши қолмади. Ожиз хотиримга шундай бир фикр келди: мўғуллларнинг исломни қабул этишганидан сўнгги ҳаётларига оид тарихий асарлардаги бор маълумотлар ва ишончли кишилардан эшитилган ривоятларни тўпласам ҳамда фақирнинг ўз кўзи билан кўрган нарсалари баёнини бунга қўшсам... Иншо Оллоҳу таоло».

Асар асосан Мўғулистон тарихига бағишлангани ва у ёзилаётган пайтда бу мамлакатда Султон Саидхоннинг ўғли Абдурашидхон (1533 йилда тахтга ўтирган) ҳукмронлик қилаётгани учун муаллиф унга «Тарихи Рашидий» деб ном беради. Аммо бу асар фақат Мўғулистон тарихи билан чекланмасдан, унда Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон, Тибет, Шарқий Туркистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг XV аср охири ва XVI аср биринчи ярмидаги тарихи анча кенг акс эттирилган. «Тарихи Рашидий» асари икки жилд(дафтар)дан иборат. Биринчи жилд Мўғулистоннинг Туғлуқ Темурхон ҳукмронлигидан то Абдурашидхон давригача бўлган қарийб икки юз йиллик (1347—1546) тарихини қамраб олган. Иккинчи жилд эса муаллифнинг воқеа-ҳодисаларга бой жўшқин ҳаёти давомида кўрган-кечирганларининг жонли ва таъсирли баёнидан иборат.

Мирзо Ҳайдар эсдаликларида ўша давр сиёсий-ижтимоий тарихидан ташқари маданий-маънавий ҳаётига доир маълумотлар ҳам кўп учрайди. У ўз замонасидаги жуда кўп машҳур тасаввуф аҳллари, олимлар, шоирлар ва санъаткорлар билан мулоқот қилган. Уларнинг баъзиларига шогирд ҳам бўлган. Ўз асарида эса уларнинг ҳаёти ва ижодларига оид ғоят муҳим маълумотларни баён қилган. Биз қуйида Мирзо Ҳайдарнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг аждодлари тўғрисидаги айрим хотираларини келтирамиз: «Мирзо Султон Абусаиднинг уч ўғли — Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо ва Умаршайх Мирзога (Юнусхоннинг) иззат ва шараф чўққисида бўлган уч аслзода қиз(и) — Меҳр Нигорхоним, Султон Нигорхоним ва Қутлуғ Нигорхоним никоҳлаб берилди. Умаршайх Мирзонинг вилояти — Фарғона Мўғулистонга қўшни бўлгани жиҳатидан учала мирзодан айниқса Умаршайхга Юнусхоннинг меҳр-муҳаббати зиёда эди. Чунончи, уни ўз фарзандларидан кам кўрмасди. Қачон хоҳласалар бир-бирларининг вилоятлари ва уйларига келиб-кетиб туришарди. Бу борди-келдилар пайтида бор нарсага қаноатланиб, ортиқча такаллуф қилинмасди. Бобур подшоҳ туғилганида хушхабар етказиш учун Юнусхонга одам юборишди. Юнусхон Мўғулистондан етиб келди ва узоқ муддат бирга бўлдилар. Бобурнинг сочини олишганида уларнинг ҳар бири тўйлар қилиб беришди. Юнусхон ва Умаршайх шу қадар дўстлашган эдиларки, бундай дўстлик (бошқа) икки подшоҳга ҳеч қачон муяссар бўлмаган бўлса керак...

Бобур подшоҳ саккиз юз саксон саккизинчи йили, муҳаррам ойининг олтинчи куни(1483 йил 14 феврал)да туғилди. Улуғбекнинг машҳур уламоларидан бири Мавлоно Мунир Марғиноний унинг таваллуди таърихини «шаши муҳаррам»(муҳаррамнинг олтиси) деб топди. Ҳазрати Эшон Хожа Убайдуллоҳ қуддиса сирраҳудан (чақалоққа) ном қўйиб беришни сўрашди. У (ғўдакни) Заҳириддин Муҳаммад исми билан бахтиёр этди. У пайтларда чиғатойлар асосан кўчманчи бўлиб, ҳозиргидек савдогар халқ эмасдилар ва Заҳириддин Муҳаммад дейиш уларга қийинлик қиларди. Шу сабабли уни Бобур деб аташди. Хутба ва ёрлиқларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур деб айтишади ва ёзишади, лекин у кўпроқ Бобур подшоҳ номи билан машҳур бўлди. Унинг насаби қуйидагича: Умаршайх кўрагон ибн Султон Абусаид кўрагон ибн Султон Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо ибн Амир Темур кўрагон. Она томонидан эса — Қутлуғ Нигорхоним бинти Юнусхон ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Хизрхожахон ибн Туғлуқ Темурхондур.

У турли фазилатлар билан безанган ва мақтовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижоат ва муруввати устун турарди. Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас. Туркий тилда бениҳоя нафис девони бор. «Мубаййин» номли шеърий асар ёзган бўлиб, фиқҳга оид бу бағоят фойдали рисола одамларга мақбулдир. Туркий арузга оид асар битган бўлиб, ҳеч ким ўнгача туркий аруз ҳақида бу қадар аниқ ёзолмаган. Ҳазрати Эшон Хожа Убайдуллоҳнинг «Рисолайи волидийя» асарини назмга солган.

Унинг туркий тилда «Вақоеъ»[7] номли тарихий асари бўлиб, жуда жонли, равон, бағубор ва тушунишга осон бир тарзда битилган. Бу китобда[8] баъзи ҳикоялар ўша асардан келтирилади. Мусиқий ва бошқа санъатларда ҳам Бобурга тенг келадиган одам унинг хонадонида ундан олдин юзага чиқмаган эди.

Унинг ҳаётида ажойиб воқеалар ва ғаройиб саргузаштлар содир бўлдики, унинг абнойи жинсидан ҳеч кимнинг чекига бунчалик (кўп кечмиш) тушмаганди».

Биз Мирзо Ҳайдар китобидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурга оид маълумотлар келтиришни ушбу парча билан якунлаймиз. Чунки «Тарихи Рашидий» асаридаги улуғ аждодларимиздан биргина Бобурнинг ўзига оид маълумотларни ҳам бир мақолада қамраб олиш имконсиздир. Шу фактнинг ўзиёқ асарнинг нақадар қимматли ва мўътабар тарихий манба эканлигини тасдиқлайди. Буни жуда кўпчилик тадқиқотчилар эътироф қилишган. Айрим тадқиқотчиларнинг «Тарихи Рашидий» асарига Шарқ мемуарчилик санъатида «Бобурнома»дан кейинги фахрли иккинчи ўринни беришга мойил бўлишгани бежиз эмас. Академик В. В. Бартолд бу асар ҳақида шундай деб ёзади: «Мирзо Ҳайдарнинг асари кўп ҳолларда унинг холаваччаси Бобурнинг ёдномаларини эслатади. Мирзо Ҳайдарнинг ёдномаси худди Бобурникидек ҳаққонийлиги ва бетарафоналиги билан кўзга ташланади, жуғрофий тавсифлар эса жойларни аниқ ва равшан тасвирлайди».

Маълумки, «Бобурнома»нинг айрим қисмлари йўқолиб кетган бўлиб, бизнинг давримизгача етиб келмаган. Баъзан бу қисмлар жуда катта оралиқ, яъни бир неча йиллар воқеаларини ташкил этади. Ана шу йиллардан баъзиларида юз берган тарихий воқеалар Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида бир қадар муфассал тасвирланган. Чет элларда «Бобурнома»даги «бўшлиқлар»ни тиклаш юзасидан олиб борилган ишларда бошқа манбалар қатори «Тарихи Рашидий» асари ҳам кенг миқёсда жалб қилинган. Ансориддин Иброҳимов 1993 йилда Тошкентда чоп этилган «Бобурийлар мероси» рисоласида инглиз олимлари турли манбалар, жумладан «Тарихи Рашидий»га таяниб тиклашган Бобурга оид воқеаларни ҳиндий тилидан ўз таржимасида келтиради. Бу маълумотлар албатта «Бобурнома»нинг йўқолган саҳифалари мазмуни ҳақида муайян тасаввурлар беради. Аммо улар асосан «Бобурнома»нинг мавжуд нусхасидан ўрин олмаган йилларда содир бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларнинг қисқача баёнидан иборат. Ваҳоланки, «Тарихи Рашидий» асари каби манбалар асосида бу йиллар воқеалари баёнини бундан кўра анча кенгроқ ва муфассалроқ ҳолда тиклаш мумкин. Шунинг учун чет эллардаги «Бобурнома»даги «бўшлиқлар»ни тиклаш юзасидан қилинган бошқа ишлар ҳам ўзбек тилига таржима этилиши зарурдир. Масалан, «Бобурнома»нинг 1985 йили Баки Граммон томонидан нашр этилган французча таржимасида ҳам бу соҳада баъзи ишлар қилинган. Бу нашрда «Бобурнома»нинг мавжуд нусхасида бўлмаган баъзи воқеаларни «Тарихи Рашидий» асаридан олиб илова этилган. Баки Граммон Мирзо Ҳайдар асаридан, жумладан, қуйидаги бобларни «Бобурнома»га илова сифатида келтиради: а) Шоҳибекхон(Шайбонийхон)нинг Шоҳ Исмоил томонидан ўлдирилиши ва Бобур подшоҳнинг Кобулдан Қундуз томон юриши; б) Саид Муҳаммад Мирзонинг ишлари ҳақида, Фарғонанинг забт этилиши тафсилотлари; в) Саид Муҳаммад Мирзонинг ғалабаси ҳақидаги хабар Бобур подшоҳга етганлиги. Султон Саиднинг Андижонга бориши; г) Бобур подшоҳнинг Мовароуннаҳр пойтахти (Самарқанд) тахтига ўтириши; д) Убайдуллахоннинг Туркистондан Бухорога келиши. Бобур подшоҳнинг у билан Кўли Маликда жанг қилиб енгилиши; е) Бобур подшоҳнинг ишлари саранжом топиши, унинг Кобулга қайтиши, укаси Носир Мирзонинг вафоти. Бобур подшоҳ ва амирлар орасидаги келишмовчилик сабаблари.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур бобларда Бобурнинг охирги марта Самарқандни олиши (1511 йил), у ердан яна кетишга мажбур бўлиб, энди узил-кесил Кобулга қайтиб кетиши воқеалари тасвирланади.

Албатта, хорижий тадқиқотчилар ишларини таржима қилиш билан чекланиб қолмасдан, Бобур ватани — Ўзбекистоннинг ўзида ҳам асл тарихий манбалар асосида «Бобурнома»нинг камбудларини тиклашга киришиб, бу тенги йўқ асарнинг мукаммал иловалар ва изоҳлар билан таъминланган нашри яратилса, нур устига нур бўларди. Бу муҳим ва савоб ишни амалга оширишда, албатта, «Тарихи Рашидий» асари асосий таянч манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, «Тарихи Рашидий» асари маълумотлари «Бобурнома»да баён қилинган воқеаларнинг жуғрофий кенглигини янада орттиради. Чунки «Бобурнома»да асосан Бобурнинг ўзи бориб кўрган жойлар — Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистон каби ўлкалар географияси ёритилади. «Тарихи Рашидий»да эса Муҳаммад Ҳайдар ўзи кўрган жойларнинг аниқ ва муфассал тавсифини келтиради. Бунда Бобур тавсиф этган жойлардан ташқари Мўғулистон, Кошғар, Тибет, Кашмир каби ўлкаларга оид ғоят муҳим маълумотлар бордир. Мирзо Ҳайдар Тибет каби хилват ўлкани обдон кезиб, мукаммал тавсифини келтирган, эҳтимолки, биринчи мусулмон сайёҳидир. Бинобарин, «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» асарларини бир-бирига қиёслаб тадқиқ этиш ўша даврдаги бир қанча ўлкаларнинг тарихи, маданияти, табиати ва жуғрофий хусусиятларини тўлароқ ўрганишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан, мақоламиз якунида улуғ аждодларимиздан бири бўлган Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарини мутахассис олимлар ва кенг китобхонлар оммасига етказиш мақсадида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходимлари томонидан амалга оширилган ва амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида айтиб ўтишни истардик.

Асарнинг рус тилига тўлиқ таржимаси маънавий меросимизнинг жонкуяр тадқиқотчилари Р. Жалилова ва Л. Епифанова томонидан амалга оширилди. Ушбу мақола муаллифларидан бири бу таржима матнини аслига солиштириб таҳрир қилиб илмий нашрга тайёрлади ва у нашр этилиш жараёнидадир. Тарих фанлари номзоди О. Жалилов эса «Тарихи Рашидий» асарининг XIX аср биринчи ярмида Хожа Муҳаммад Шариф томонидан амалга оширилган ўзбекча-уйғурча таржимасини жорий ёзувга агдариб нашр учун тайёрламоқда. Катта илмий ходим Ш. Мусаев Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган форс тилидаги ноёб бир нусха асосида ва хорижда сақланаётган баъзи қўлёзмалар фотонусхаларини жалб қилган ҳолда «Тарихи Рашидий» асарининг илмий-танқидий матнини яратди. Келгусида бу мўътабар тарихий манбани замонавий ўзбек тилига ҳам тўлиқ таржима этиш ва илмий нашрини амалга ошириш шарқшунос олимларимиз олдида турган маънавий меросимизни тадқиқ этиш ва халқимизга етказишга доир муҳим вазифалардан биридир.

ИЗОҲЛАР

1. Вожиб ул-изъон — бажарилиши зарур ва вожиб бўлган иш; 2. Кусуф — қуёш тутилиши; 3. Хусуф — ой тутилиши; 4. Бобур ва Мирзо Ҳайдарнинг тоғалари Султон Маҳмудхон назарда тутилмоқда. У ўз ўғиллари билан биргаликда Шайбонийхон буйруғига кўра қатл этилган; 5. Бу ерда албатта Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асари назарда тутилмоқда; 6. «Мўғул хонлари» деганда Мирзо Ҳайдар XIV аср ўрталарида Чиғатой улуси емирилгач, унинг шарқий вилоятларида ташкил топган Мўғулистон мамлакати хонларини назарда тутади; 7. «Бобурнома» асари дастлаб «Вақоеъ» деб аталган; 8.Яъни «Тарихи Рашидий»да.

Асомиддин ЎРИНБОЕВ,
тарих фанлари доктори,
Ғулом КАРИМ,
илмий ходим



Ал - Бухорий зиёратгоҳида

Тарих — ибрат

АЗ-ЗАМАХШАРИЙ САБОҚЛАРИ

ТАВАЛЛУДИНИНГ 920 ЙИЛЛИГИ

Илм-фаннинг турли соҳаларига оид элликдан ортиқ асарлар яратган хоразмлик буюк аллома Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075-1144)нинг ҳаёти, ижодий ва илмий фаолиятини чуқур ўрганиш катта маърифий ва амалий аҳамиятга молик бўлибгина қолмай, улкан ҳаётий, тарбиявий жиҳатлари, ҳавас қилса арзийдиган даражада ибратли қирралари ҳам кўпдир.

Ёшлик чоғларидан илм-урфонга ташна бўлиб ўсган аз-Замахшарий ўз билимини ошириш мақсадида ўша даврнинг йирик илмий ва маданий марказларидан бири бўлган Бухорои шарифга йўл олган. Аммо илм толиби йўлда юз берган бахтсиз бир ҳодиса (отдан йиқилиб оёғи қаттиқ лат егани, бунинг устига қаҳратон совуқ бўлгани) туфайли бир оёғини кестиришга мажбур бўлади ва бутун умри давомида ёғоч оёқда юради. Лекин бу ногиронлик унинг билим олишига тўсқинлик қила олмайди. У ёшлигидан илм-фаннинг турли соҳаларини, айниқса араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини мукаммал эгаллайди. Айни вақтда ўша даврда илм аҳллари орасида ғоятда зарур ва муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сиру асрорларини ҳам тўлиқ ўзлаштириб бу билан ўз оилавий турмуш шароити, тирикчилигини ҳам бир қадар яхшилайди. Жисмоний нотавонлигига қарамасдан аз-Замахшарийнинг катта иштиёқ билан билим олиш йўлида кўрсатган бу жасорати таҳсинга сазовор ва катта бир ибратдир.

Аз-Замахшарий ҳаёти билан чуқур танишар эканмиз, унинг илм талабида қатор хорижий мамлакатларга сафар қилганлигини ҳам кўрамиз. Дарҳақиқат у Хуросон, Шом, Ироқ, Ҳижозда бўлганлиги ёзма манбаларда қайд этилган. Мана шу юртларда аз-Замахшарий ўша даврнинг кўп машҳур олимларидан сабоқ олди, улар билан илмий, ижодий мунозараларда иштирок қилди.

Алломанинг Шарқнинг турли шаҳарларида жуда кўплаб шогирдлари бўлган. Айниқса Маккаи мукаррамада беш йилдан ортиқ яшаган пайтлари олим учун ғоятда серунум бўлди. Маккаи мукаррама бепоён мусулмон оламининг муқаддас саждагоҳигина бўлиб қолмасдан балки илм толиблари тўпланадиган катта илмий марказ вазифасини ҳам ўтаган. Илм толиблари муқаддас шаҳарда яшаган аз-Замахшарийдек алломалардан ҳар қадамда фойдаланардилар. Маълумки бирон-бир алломага насиб этмаган юксак мақом — Жоруллоҳ («Аллоҳнинг қўшниси») деган лақабга фақат буюк ватандошимиз аз-Замахшарий мушарраф бўлган. Араб олими аш-Шайх Муҳаммад Абу Заҳро Маккада яшаган даврида аз-Замахшарий аксар вақтини Байтуллоҳ ал-Ҳарамда ўтказиб, ҳар доим унинг атрофини адаб илмининг толиблари, шаърият ихлосмандлари, мавъизаю ҳикматли иборалар шайдолари ўраб олиб, ундан сабоқ олганликларини алоҳида таъкидлаган. Эҳтимол мана шу зайлдаги улкан иззат-ҳурмат, қаерда бўлмасин илм аҳлининг доимо унга талпиниши алломага ўз назмий девонларидан бирида:

«Кўрмаяпсизми, мен қаерда бўлмайин,
одамлар мени гир айланиб ўраб олурлар,
Каъбаи муаззам сингари атрофимни,
тўда-тўда бўлиб тавоф қилурлар,»

деб фахр ва ғурур билан ёзишига туртки бўлгандир. Мана шу мулоҳазаларга таяниб айтиш мумкинки, унинг устозларию шогирдлари турли элатлар ва миллатларга мансуб илм аҳллари бўлган. Аз-Замахшарийнинг шогирдиман деганлар бутун мусулмон дунёсининг турли бурчакларида кўплаб топиларди.

Аз-Замахшарий Қуръони карим битилган араб тили, арабларнинг ҳаёти, урф-одатларини, турли лаҳжаларини узоқ йиллар ўрганди. Араб тилининг грамматикаси, лексикаси, умуман араб тилшунослигига оид «Муқаддамат ал-адаб», «ал-Муфассал», «Асос ал-балоға» каби йирик таълифлар яратди. Араблар «агар хоразмлик шу кўса, чўлоқ бўлмаганида араблар ўз тилларини билмас эдилар!» деб лўнда қилиб ёзиб алломага берганлар. Араб тилига, унинг беҳад катта имкониятларига тан берган аллома барча асарларини фақат араб тилида яратди.

Аз-Замахшарий табиатан кўп сайр-саёҳат қилишга, илмий муноқаша ва мунозарага жуда мойил адиб эди. Кўп масалаларда замонасининг машҳур олимлари билан қизғин мунозара ва ижодий баҳслар қилган. Дарвоқе, мунозара ва муноқаша ўша даврда Хоразмда кенг тарқалган, аз-Замахшарий ашаддий тарафдорларидан саналган муътазилия оқимининг асосий унсурларидан бири бўлганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Аллома аз-Замахшарий ўз умрининг аксар қисмини хорижий юртларда мусофирчиликда ўтказгани билан туғилган қишлоғи Замахшар, она-ватани Хоразмни жуда қаттиқ севади, унга мадҳиялар бағишлайди. «Хоразм заминида шунчалик кўп фазилатлар мавжудки, дунёнинг бошқа бирор малакатида ҳам унақасини кўрмадим», — деб ифтихор билан таърифлайди. Шу билан бирга ўзи икки марта бўлиб беш йилдан ортиқ яшаган Маккаи мукаррамани ҳам аллома иккинчи ватани ўрнида ҳисоблайди. Макка аҳли, айниқса унинг амири ал-Аъловий аз-Замахшарийни иззат-икром қилиб, унинг самарали илмий, ижодий ва мударрислик фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратади, ҳаттоки Каъбатуллоҳнинг яқинидаги Боб ал-Ажйод маҳалласида олим учун махсус бир уй ҳам қуриб беради. Аз-Замахшарий ушбу дўстона алоқаларга атаб бир қасида ҳам битади ва амирнинг ўзига кўрсатган катта илтифотини миннатдорчилик туйғуси билан тараннум этади. Амир эса ўз навбатида унга тасанно айтиб: «Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк аз-Замахшарийдек йирик алломани дунёга келтирган»,— деб улуғлайди.

Макка аҳли ва уламолари билан аз-Замахшарий ўртасидаги дўстона муносабатлар олим умрининг охиригача давом этган. Аз-Замахшарий вафоти ҳақидаги хабарни эшитган Макка адибларидан бири чуқур қайғу-аламга ботиб муқаддас шаҳар аҳлининг мотамсаро ҳолатини қуйидагича ифодалаган.

«Маҳмуд Жоруллоҳ вафотидан ғамга тўлиб
Макка аҳлининг кўз ёшлари дув-дув тўкилди».

Аз-Замахшарийнинг табиати ва феъли-атвори ҳақида манбаларда келтирилган айрим маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, аллома ҳазил-мутоибага мойил, ҳозиржавоб ва ўрни келса айбини эътироф этиб тан оладиган иродаси кучли инсон бўлган. Шу хусусда манбалардан бир мисол келтирамиз. Аз-Замахшарийга замондош таниқли олим, қатор асарларнинг муаллифи Абу-л-Файз ал-Майдоний (1124 йили вафот этган) бир асар ёзиб унга «аз-Ҳодий ли-шодий» («Қисман (оз) илм олувчиларга қўлланма») деб атайди. Ваҳоланки бу китоб ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан ғоятда кенг қамровли бўлиб, мукаммал билим олувчилар учун ҳам фойдали бўлганидан асарнинг номи аз-Замахшарийга ёқмайди. Шу сабабли у ал-Майдонийга «нега бу ном билан атадинг?» деб танбеҳ беради ва баъзи мунозаралардан кейин унинг асарларидан биридаги Майдо

Иймон ҳаловати

МУКОФОТИ — ФАРОҒАТ

Анвар Турсунни Тошкент адабий муҳитида жуда яхши танишади. Ёзувчи-шоирлар орасида у кишининг дўстлари, шогирдлари талайгина. Анвар Турсун хушмуомалалиги, болаларча беғуборлиги, фалсафий мушоҳадасининг кенглиги билан ўз суҳбатдошини ҳеч қачон лоқайд қолдиролмайди, дарров ўзига ром этади, яқин биродарга, ҳамдарду ҳаммаслак киши бўлмиш азиз инсонга айланади.

Қуйида уламои киром Янгиобод Жомеъ масжидининг имом хатиби Анвар ҳожи Турсун билан қилган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

— Анвар ака, ислом дини ҳақида гап кетганда сўзнинг аввали иймон калимасига бориб тақалади. Бу сўз худди сеҳрли калитдурки, бу калитга эга бўлганингиз замоно қаршингизда олам-олам дунёларнинг эшиклари ланг очилади. Шу боисдан, суҳбатни барчамиз суйган лафз—иймон ақидасидан бошласак!

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм. Иймон луғавий маъмуни ишонмоқ, эътиқод қилмоқ маъносини ифодалайди. «Иймон келтирдим», «иймоним комилки» — деган ибораларни кўп талаффуз қиламиз. Ислом динида иймон тушунчаси қандай, нималарга иймон келтирмоқ — ишонмоқ лозим ва иймоннинг асоси, моҳияти қандай таърифланади?

Бу саволларга жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом ҳадис шарифларида мукаммал жавоб айтиб ўтганлар.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг асл - асосида биринчи ва асосий иймон келтириш лозим бўлган нарса улуҳиятда Оллоҳни ягона деб билиш. Маълумки, ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломга ваҳий келган пайтда Маккада яшовчи арабларнинг ботил эътиқоди ширкка асосланар эди ва ислом уламолари уларни мушрик деб номлаганлар. Мушрик араблар Оллоҳнинг борлигини инкор этмас эдилар. Ер осмонни Оллоҳ яратган, бизнинг ризқу рўзимизни Оллоҳ беради деб, Оллоҳнинг рубубиятини (тарбияловчи, яратувчи) эканлигини эътироф қилар эдилар. Аммо ўзлари қўллари билан ясаб олган бутларни Оллоҳга улуҳиятда — иллоҳликда шерик қилардилар. Биз билан Оллоҳнинг ўртасида бутларимиз шафоатчи деб ишонардилар ва оддий тошлардан, ёғочлардан ясаб олинган санамларга илоҳлик, муқаддаслик сифатини берар эдилар. Бу ботил ақидани, тушунчани Қуръони каримда Оллоҳ таоло куфр, гуноҳ, ҳаддан ошиш деб баён қилади. Расулуллоҳ алайҳис-салом энг биринчи даъватни Оллоҳнинг ягона эканлигидан бошладилар. Шунинг учун ҳам ислом уламолари «Исломнинг асоси тавҳиддур», деб эътиқод қиладилар. Комил мўминнинг иймони тавҳид асосида бўлмоғи иймоннинг ҳақлигига, содиқлигига далилдир.

Оллоҳ илоҳликда ягона, шериги йўқ, яратувчиликда ягона, абадийликда, ризқ беришликда, ҳаёт беришликда, қайта тирилтиришда якка-ёлғиз эканлигига ишониш иймоннинг асосидур, мусулмон киши иймонининг ҳақиқийлигидир. Маҳ шу ақидаларни бизга етказган Муҳаммад алайҳис-салом — Оллоҳнинг элчисидир.

Ҳар бир мусулмон билиши, ишониши, дил билан тасдиқлаши зарур, лозим ва лобуд бўлган иймон мана шудир.

Жаноб пайғамбаримиздан иймон хусусида бир қанча ҳадислар ворид бўлган.

Бир куни Расулуллоҳ алайҳис-салом саҳобалари билан даврада ўтирганларида эшикдан оқ кийимли, кўриниши ниҳоятда нуроний бир зот кириб келдилар ва тўғри келиб пайғамбаримизнинг рўпараларида тиззаларини тиззаларига теккизиб ўтирдилар ва савол бера бошладилар: — «Иймон надур?», Расулуллоҳ жавоб қилдилар: «— Иймон, бу Оллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва қиёмат кунига ишонмоқдур», — деб жавоб қилдилар. Демак ҳар бир мўмин мусулмон бу ақидага бутунлай ишониши, тасдиқ қилиши шарт.

Муаллим пайғамбаримиз яна «Иймон — бу ихлосдур», — деб марҳамат қилдилар. Ихлос эса ҳар бир солиҳ амални Оллоҳнинг ўзи учун, розилиги учун холис қилмоқликдур.

Ихлос биринчи навбатда Оллоҳни ҳаммадан ва ҳамма нарсадан ҳам яхши кўрмоқлик, унинггина розилигини истамоқлик, жаннатга унинг жамолига етишга бўлган ошиқликдур.

Ихлос бу Оллоҳнинг ҳабиби Муҳаммад алайҳис-саломни яхши кўрмоқлик, у зоти шарифга эришмоқликдир. Оллоҳ таоло Қуръони каримда: — «Агар Оллоҳни яхши кўрсалар (эй Муҳаммад) менга эргашинглар деб айтинг», — деб Расулуллоҳга таълим беради.

Ихлос холис Оллоҳнинг ўзига бўлсагина Оллоҳнинг даргоҳида мақбулдир. Риё — хўжакўрсин, сумъа — хўжа эшитсин каби иллатлар банданинг қалбида бўлса Оллоҳ таоло ҳузурида бундай иймон мақбул эмас. Уламоларимиз мўминларнинг қиладиган савоб амаллари Оллоҳ таолога мақбул бўлиши учун қуйидаги 2 шарт лозимдур дейдилар:

1. Ҳар бир яхши солиҳ амал Оллоҳнинг розилиги учун бўлмоқлиги;

2. Яхши амал деб қилинадиган ишлар Муҳаммад алайҳис-саломнинг суннати мутаҳҳараларига мувофиқ бўлиб, бидъат, хурофотлардан холи бўлмоқлиги.

Ҳазрати Муҳаммад алайҳис-салом иймонга яна шундай таъриф бердилар: «Ал-иймон-ал ҳуббу филлаҳ вал буғзу филлаҳ», — яъни «Оллоҳ учун яхши кўрмоқлик, Оллоҳ учун ёмон кўрмоқлик», — ҳам.

Оллоҳ таоло Қуръони каримда солиҳ амалларни қилишга, покликка, ҳаққонийликка буюради. Оллоҳнинг буйруқларига итоат Оллоҳ учун яхши кўришдир. Шунингдек, ширкдан, харомдан, фаҳшдан, ёлғондан, истибдоду зулмдан, ғийбату-бўҳтондан қайтаради. Мана шу қайтариқлардан қайтишлик Оллоҳ учун ёмон кўришликдир. Оллоҳ харом қилган, қайтарган ишларни ёмон кўришлик мўминда иймон борлигининг аломати ва далилидур.

Хуллас, иймон Оллоҳни яхши кўрмоқлик, ҳақиқатни яхши кўрмоқлик, ҳалолни яхши кўрмоқлик, суннатни яхши кўрмоқлик, охиратни ва оқибатни севмоқликдир.

Саҳобаи киромлар: «— Бизга Расулуллоҳ аввал иймондан таълим берар эдилар, сўнгра Қуръондан таълим берар эдилар», — деб айтганлар. Шунинг учун биз ҳам аввал иймону-эътиқод дарсини, таълимни ўрганишимиз зарурдир. Акс ҳолда Қуръони карим, ҳадиси шариф бизга ўз хидоий йўлларини, сиру-асрорини очмайди.

— Анвар ака, Сиз ўз касбингиз бўйича адабиётшунос, хизмат вазифангиз бўйича эса уламоларимиздан бирисиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, адабиётимизнинг, адабиётшунослигимизнинг ютуқ ва камчиликлари сизга яққол кўринади. Ислом бешигида ўсиб улғайган Шарқ адабиёти, фалсафаси, хусусан, ҳазрат Навоий ижоди ҳақида мулоҳазаларингиз борлиги аниқ. Келинг, ушбу хусусда ҳам бироз тўхталиб ўтсак....

— Муҳаммаджон, умуман Шарқ адабиётини, тарихини ўрганиш, фикр айтиш учун албатта Қуръони карим, ҳадиси шариф, ақоид илми, тафсир, балоғат илмларини мукаммал билмоқ лозимдир. Ҳозирги кунда тасаввуф таълимоти ҳақида бир қанча тадқиқотлар қилинди. Тасаввуф адабиёти, шеърияти, ҳақида тўхталганда: — «Мажоз ҳақиқат кўпригидир» деган шиорга, услуб ҳақида тўхталишимиз эътиборлидир. Чунки кўпчилик ҳозиргача классик меросимиз фақат майни, ёрни куйловчи шеърият, Умар Хайём, Навоий, Машраблар майпараст шоир деган мутлақо нотўғри тушунчага эгадир.

Шунинг учун соддароқ, тушунарлироқ қилиб айтганда тасаввуф шоирлари ўзларининг Оллоҳга бўлган муҳаббатлари турли хил рамзларда, мажозий ибораларда ифодалаганлар. Ўзларининг фикрларини, ишқи илоҳийни рамзий усулда беркитиш, фақат орифи биллоҳлар тушуниши мумкин усулда баён этганлар. Бу рамзийлик маълум даврларда соддароқ, очиқроқ айтилган бўлса, маълум даврларда айниқса Навоий ижодида ниҳоятда мураккаб ва балоғат билан ифодаланган. Тасаввуф илми билан шуғулланувчи олимлар аввало Қуръони каримдаги ҳар бир оятни, тасаввуф олимлари ёзган тафсирларни ҳадис илмини айниқса ҳадиси қудусийни, балоғат илмини чуқур ўрганмоқлик лозим. Чунки тасаввуфий шеъриятда албатта зоҳирий (ташқи) маъно ва ботиний (ички, яширин) маъно мавжуддир. Тасаввуф истилоҳида зоҳирий — ташқи маъно эътиборли эмас, фақат восита, рамз холос. Асос парда орқасида яширинган маънодадур. Хусусан:

Кўзунг не бало қаро
бў лубдур,
Ким жонга қаро бало
бўлубдур.
Ошноға бегона бўлубдур,
Бегонага ошино бўлубдур

— ғазалини зоҳирий маъноси қора кўзли маҳбубанинг ҳуснига бўлган таъриф, беозор араз, ошиқона лутфдек туюлади. Аслида эса бу байтларда чуқур ботиний маънолар, ақидавий ҳикматлар мавжуддир. Қуръони каримда Оллоҳ таоло инсоннинг қалбида ёмонликка буюрувчи нафси аммора бор эканлигини баён қилади. Бу ёмонликка буюрувчи нафс қалбнинг ўртасида қора кўз каби жойлашиб, Оллоҳнинг ишқидан, покликдан тўсади. Демак, байтлардаги ифодаланаётган тасаввуфий мухтасар маъно қуйидагича: «Эй қалбимда жойлашган ёмонликка буюрувчи нафси аммора! Сен жонимга, яъни руҳимнинг покланишига балодирсан. Нафси аммора туфайли Оллоҳнинг пок ишқига бегона бўлдим ва менга бегона душман бўлган шайтоннинг қутқуларига, макру-ҳийлаларига гирифтордирман».

Тасаввуф шеъриятида ҳар бир рамз, истилоҳнинг ички ботиний мазмунлари бор. Мана шунинг учун ҳам аввало ёр, гул, булбул, май, жом, қад-қомад каби мажозларнинг асл маъноларини тушуниб, ечиб, шарҳлаб олмоқ муҳимдир. Агар бундай муҳим нуқталарга аҳамият бермасак ҳамма классик шоирларимиз майпараст, ишратпараст бўлган эканлар деган мутлақо нотўғри, ҳақиқатдан йироқ хулосаларга келиб қолишимиз мумкин. Зеро, Навоий:

Сен гумон қилгандин ўзга
жому май мавжуд эрур,
Билмайин наъфи этма бу
майхона аҳлин зоҳидо, —

— демишлар. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳозирда тасаввуф шеъриятини тушуниш, фарқлаш учун албатта тасаввуф истилоҳлари луғатини тузиш лозим. Акс ҳолда классик адабиётимизда ифодаланган асл маърифий, чуқур маънолар очилмай қоларади.

— Раҳмат домла! Шарқ адабиёти ўз ўқувчиси билан шу қадар юксакка, кўтарилгани, мажозий тил билан гаплаша олгани аждодларимизнинг савияси нақадар баланд бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Бу ҳолни Шарқ адабиётининг забардаст адиби Абдуллоҳ Қодирий ижодида ҳам кўриш мумкин. Мен бугун Абдуллоҳ Қодирийни фарзандларига ўз романлари орқали сўзлаётган улуғ мутафаккирга қиёслайман.

— Ўзбек адабиётида, айниқса романчилигида ислом маърифатини, ақидасини фаҳм этишда, тушунишда Абдулла Қодирий беназир ёзувчидир. Абдулла Қодирий ижодига агар чуқур назар солинса, Қуръони карим, ҳадиси шариф маънолари ажиб бир тарзда сингдирилган. Ёзувчининг асарларида бу маънолар, фикрлар билвосита акс этган. Яқинда адабиётимизда, ислом динини, Қуръони карим ва ҳадиси набавийни, шариат илмини билишликда Абдулла Қодирий ягонадир. Қодирий мадраса кўрган, араб-форс тилларини мукаммал билганлиги туфайли ислом дини ақидалари билан хурофот, бидъат, жаҳолатни аниқ ажрата олган. Баъзи бир исломдан яхши хабари бўлмаган кишилар Қодирийнинг ана шу хурофоту бидъатларга қарши ҳажвий асарларини динга қарши ёзилган асарлар деб нотўғри тушунадилар. Абдулла Қодирий чинакам маънодаги мусулмон ёзувчидир. Бу фикримизга унинг асарларидаги истаган ижобий қаҳрамонларни мисол келтириш мумкин. Отабекнинг ота-она ризолигига эътибори, Кумушбибининг ҳаёти, ҳатто жон таслим қилаётганда ҳам ўзининг муслима аёл сифатида тутиши (Юсуфбек ҳожи ҳузуридаги ҳолатлари мисолида). Қодирий айниқса Юсуфбек ҳожи қиёфасида ислом ақидаларини ўзига хос бир тарзда ифодалаган. Мен Абдулла Қодирий романларида, ислом маърифати нурини меҳр билан, салобат билан ифодаланган ўта гўзал тасвирларни жуда кўп ва хўб тарзда намойишини кўрдим, ҳис қилдим. Араб-форс калималарини, оят, ҳадисларни ниҳоятда ўрнида қўлланганлигига ҳайратландим ва қойил бўлдим.

— Анвар ака, ҳар бир қўлига қалам олган ижодкорнинг Абдуллоҳ Қодирийдек улуғ бўлгиси келади. Агар адабиётда у зотга шогирд тушиш ҳам қўлидан келмаса, ҳаётда Юсуфбек ҳожидан, Отабекдан йўл-йўриқ кутади, кўнгил софлиги, қалб шижоатига имдод излайди.

— Ҳозирги вақтда комил иймонга, эътиқодга эга бўлиш учун ҳар бир мусулмон ўз устида ниҳоятда жиддийлик билан ишламоғи лозим. Биз модомики иймонни даъво қилар эканмиз, ислом динини тўлиқ, мукаммал равишда тушуниб етмоғимиз вожибдур. Бизнинг иймонимиз билан саҳобаларнинг иймонлари орасидаги фарқ шундаки, у зотлар ўзларида мукамалликни тарбия қилиб олганлар. Саҳобалар шижоатли баҳодир, меҳрибон оила бошлиғи, зийрак тадбиркор, ҳалол тижоратчи ва кечалари эса Оллоҳдан гуноҳларига тавба қилиб йиғловчи зоҳид, обид ва қойимул лайл бўлганлар.

Ҳақ учун: ҳақиқат учун, курашганлар ва дунёпараст; шаҳватпараст, шуҳратпараст эмас эдилар. Шу билан бирга тарки дунё қилиб бадбинликка ҳам берилмаганлар. Икки дунёда саодатли, файзли, Оллоҳ рози бўладиган ҳаётда яшашга интилганлар.

Расулуллоҳ алайҳис-салом саҳобаларни дунёни обод қилишга, Муҳаммад алайҳис-саломнинг: «Қиёмат бошланишини кўриб турган ҳолатингизда ҳам қўлингиздаги хурмо дарахтини экинг», мазмунидаги ҳадиси шарифлари фикримизнинг далилидир. Дунё яхши амаллар қилиш учун имтиҳондир. Унинг мукофоти — жаннатдур. Мана шундай мунаввар ақидалар саҳобаларнинг орзу-умидлари, маслаку мақсадлари эди.

Саҳобаи киромлар иймон ҳаловатини, лаззатини ҳис қила олган комил иймонли зотлар эдилар.

Биз ҳам ҳозирда иймон-эътиқод илмини тинмай ўрганишимиз, изланишимиз лозим. Чунки жамиятнинг келажаги буюк бўлиши учун энг асосий манба иймондур. Инсоният тараққиётини бир қуш парвозига қиёс қилсак унинг бир қаноти иқтисоднинг ривожи бўлса, бир қаноти маънавият, иймоннинг бутунлиги, мукаммаллигидир. Жаноб пайғамбаримиз алайҳис-салом: «— Макка мушриклари мен билан Маккани талашаётирлар, агар қалбимдаги иймон ҳаловати, лаззатини билганларида қалбимни талашар эдилар», деган мазмундаги ҳадиси шарифлари инсон учун иймон-эътиқоднинг қандай неъмат эканлигини ифодалайдиган мўътабар таълимдир. Жамиятимиздаги ҳар бир инсоннинг дилига ҳидоят нур-лари нозил бўлиб иймон деган қўрғонча пайдо бўлса, ташқаридаги қоровуллар, назоратчиларга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

— Домла, газетамиз ўз номи билан «Миллий тикланиш»га, маънавий соф озуқланишимизга хизмат пайида юрибди. Шу боисдан истилоҳларимиз борасидаги фикрларингиз бизга жуда манзур бўлур эди.

— Ҳозирги кунда матбуот, телевидение, радио эшиттиришларида диний-маърифий мавзудаги суҳбатлар изчил баён қилинмоқда. Аммо баъзи эътироз билдирадиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, «Оллоҳ яратган», «Раббимиз берган неъматлар», «иншооллоҳ» каби калималарни ишлатиш қувонарлидир. Аммо табиат яратган, табиат ато этган, деган тушунчалар ҳам истифода қилинмоқда. Табиат яратилгандир. Том маънодаги яратувчи бўла олмайди. Йўқдан бор қилиб бизни яратган, тахайюру, тафаккурга чўмдирган ёлғиз Оллоҳнинг ўзидир. Шунинг учун ҳам халқимиз Оллоҳ таолони яратувчи деб номлайди, дуо қилади.

— Анвар ака, қилаётган савоб ишларингизга баракатлар тилаймиз.

— Мен ватандошларимизга, халқимизга Оллоҳ таолодан комил иймон, тавфиқу рушди ҳидоят сўраб ожизона дуо қиламан. Бизнинг келажагимиз ушбу дунё ва охиратдир. Оллоҳ ўз фазлу раҳматига олиб қалбимизда иймон нурлари пайдо бўлса, иншооллоҳ келажагимиз буюк бўлади деган умиддаман. Валҳамдулиллоҳи роббил аламийн.

Муҳаммад ИСМОИЛ
суҳбатлашди

Ота ўгил

КЕЛАЖАК ҲАҚИДАГИ СУВРАТ

(ҳикоя)



Одамнинг оддий кўзлари учун кўп ҳам сезиларли, ёрқин бўлмаган, бироқ ўзининг синоатга тўла домига оҳанграбодек тортиб олаётган бу ғайриоддий манзара тасвирини қаердадир кўргандим.

Тикилиб қолганимни пайқаб, асар муаллифи менга елимдек ёпишиб олди. Молини тузукроқ нархга пуллаш учунми, у менга аллақандай Борлиқ, Абадият, Ҳаёт ва Ўлим ҳақида нималарнидир тушунтира кетди.

Тасвирда, бўшлиқдан — исмсиз ранглар қориштириб юборилган мавҳумиятдан бўлак ҳеч ваҚо йўқ эди. Лекин, тикилиброқ қаралса, илон авраган юмронқозиқдек карахт бўлиб қолиш ҳеч гап эмасди.

Вужудимни ёқимли қўрқув ҳисси қамраб олди: тасвир қаршисида ўзимни шу қадар ожиз ҳис қилдимки, (рассомнинг асари хусусида берган саволига жавоб қилиш у ёқда турсин) чурқ этиб товуш чиқаришга журъатим етмади. Чунки, тасвир қаридан сизиб чиқаётган нафис чизиқлар, ақл бовар этмас шакл, оҳанг ва ранглар ҳаракатига монанд бўлмаган овозим дағал, ҳатто ўзим учун ҳақоратомуз туюлди. Нима бўлганда ҳам бу уйғунлик билан ўз турмушим орасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкинлигини билгим келди. Ўзим муаллифи бўлганимда эди, бу асарни «Келажакнинг Руҳ тасвири» — деб атаган бўлардим.

Унинг қадимий маънони англатиши кераклигини билмасам ҳам, ҳис эта бошладим: олисларда ястаниб ётган ўлимтик мантиқнинг қандай қилиб пойимга келиб қолганини ҳам пайқамабман. Оёқларим мени қаёқадир бошлаб кетди. Атрофимни қуюқ туман қоплади. Қадам товушлари эшитилаётган томонга қараб юравердим. Туман пардаси сурилиб, тобут кўтариб кетаётган одамларга дуч келдим...

Кошкийди, кўраётганларимнинг ростлигига ишонмасликнинг иложи бўлса.

Ишонмаслик...

Кўрмаслик...

Шарпалар дунёсининг бу синоатларига шерик бўлишни истамаслик мумкинмиди? Мумкиниди, лоақал ўзимнинг нима эканлигимни тушуниш эҳтиёжидан изтироб чекмаслигим? Бунда... ҳар бир исмсиз ранг, ҳар бир тадқиқ этилмаган маъдан, ҳар бир сирли товуш... жавобсиз қолган саволга ўхшарди...

Гапларини эшитмаётган бўлсам ҳам, менга нималарнидир берилиб тушунтираётган рассомнинг қалтираётган бармоқлари остидаги осмон тасвири, бетини кул қоплаган чўғни эслатарди: осмондан ҳам баҳайбат кимдир, вақти-вақти билан уни пуфлаб турганга ўхшарди. Олисларда ловуллаётган ранглар оқими, бир зумда етиб келиб, ўша бармоқларга чиппа ёпишарди.

Сескандим.

Мени кўпроқ, бармоқларнинг нега куймаётгани ҳайратга солларди. Мусаввир бўлганимда, мен ҳам ҳеч иккиланмасдан борлиқдан йўқлики, йўқликдан борлиқни ҳосил қила оладиган афсурда ҳаёт руҳининг шодлиқданда ғўзалроқ, мана шундай фожиасини чизган бўлардим... У ҳолда, манави мусаввирга яна нима керак ўзи? Тасвирига қарашнинг азоби шундай бўлса, ўша шарпалар дунёсида яшашнинг даҳшати қанақа бўларкин?..

Шуларни ўйлаб, менга алам қилди: бутун умр сезиб, нимани-дир кутиб яшасангу, ўша кун келиб, ўша ҳодиса содир бўлаётганида, ичи сўриб олинган чиғаноқдек ҳувиллаб, бўшлиққа айланиб қолаверсанг?.. Акс ҳолда Келажак Ҳақидаги Сувратга тикилгач, бир аҳволда уйга етиб олганимни қандай изоҳлаш мумкин?..

...Фақат, ҳовлига кирибгина, қаердалигимни эсладим. Очиқ деразадан ўз хонамга мўраладиму, эсхонам чиқиб кетди. Ичкарида, сочлари тўзгиган хотинхалаж, «болагинам»дан олиб, «укагинам»га солиб, уввос тортар, бу ҳам етмагандек, тўшагимда чўзилиб ётган жонсиз жасаднинг совуқ башараси ўтакамни ёрди. У... менки эди!

«Ёлғон! Ўлганим йўқ! Ҳали тирикман!» — овозимни борича қичқирганимга қарамай, ҳеч ким мени эшитмади. Ҳатто, хонага кириб келганимни ҳам пайқашмади: девордаги осма кўзгудан мен тўсиб турган жовондаги китоблар яққол кўриниб турар, ўзим эса ҳавога сингиб кетгандек... йўқ эдим! Аҳволимни тасаввур қилиб, даҳшатга тушдим. Келажак Ҳақидаги Сувратга мени рўбарў қилган тасодифни лаънатладим. Бу аҳмоқона ҳолатим, ёвуз сеҳргарга алданиб, лайлаккa айланиб қолган Халифаникидан ҳам бешбаттар эди...

Арвоҳлардек яшашда тажрибам бўлмагани учун талмовсирадим. Ҳаммаси кўз ўнгимда содир бўлди: дафн маросимига йиғилганларнинг тунд қиёфаларида қайғудан кўра кўпроқ ҳорғинлик ҳукм сурар, сокин кўзлар тубидаги қотиб қолган ғуссалар исёнини мендан бўлак ҳеч ким илғамасди. Йиғилганларнинг ҳаммасига ачиндим.

Жоноза ўқилганидан кейин ҳам, ҳеч кимга сездирмай, ўзим учун қазиб қўйилган ғорнинг лаҳатига кириб олдим. Тасодиф билан бошланган бу хўрликнинг қандай якунланишини ва танамни нима қилишларини ўз кўзларим билан кўрмоқчийдим (ҳар ҳолда, бу шарпага айланган одамнинг истаги бўлса керак). Бу қадар маъносиз башарани ҳеч қаерда учратмагандим. Илк бор, ўзимдан қурбақадан жиркангандек жиркандим. Аммо бу жирканиш, уни зах уфунат қаърида қолдириб кетишимга сабаб бўла олмасди. Ибтидоси бошқа дунёда бошланган вужуднинг, айнан шу аснода интиҳо топажагига ишонмасдим.

Тешик бутунлай ёпилиб, атрофимни қуюқ қоронғулик қоплаганида, ҳассасини йўқотган кўрдек, пайпаслаб марҳумнинг юз-кўзларини топдим. Шунда, қоронғулик сийраклаша бошлади. Худди Келажак Ҳақидаги Сувратда кўрганимдек, атрофимни исмсиз ранглар гирдоби қуршаб, уларнинг қаридан нафис чизиқлар, ақл бовар этмас шакл ва оҳанглар чиқиб кела бошлади. АҚлий заруратдан маҳрум жамики жисмлар учун маконга айланаётган бу шарпалар дунёсига, энди ҳеч қачон ойдин кечаларнинг кумушранг ёғдулари ёғилмаса керак, деган хаёлга бориб турганимда, қаёқдандир... юқоридан аёл кишининг йиғи товуши эшитилди. Йиғлаётган аёлнинг овози танишлиги ва унинг кимлигини билиш истаги телба қилаёзганидан, тимирскиланиб-тимирскиланиб, юқорига бир туйнукча очдим, ёруғлик қамаштирган кўзларимни ишқалаётиб, тиниқлашаётган қиёфанинг онамники эканлигини ҳис қилдим. Унинг бармоқлари беихтиёр юзларимга тегинаркан, кўзларидан дувиллаб оқаётган ёшларнинг бир неча томчиси юзимга тушди.

— Сенга нима бўлди ўзи, болам? — йиғламсиради у. — Роса ўтакамни ёрдинг-ку алаҳсираб.

Сапчиб ўрнимдан турдим.

«Наҳотки, ҳаммаси туш бўлса?» — ҳаёлимга келган биринчи фикр шу бўлди.

— Ишга ҳам кечикибсан-а, қарагин, — деди онам хавотир тўла кўзларимни курсидаги соатга қадаб. — Тағин...

Кўчага чиққанимда, тўзон кўтарилиб, кетидан шаррос ёмғир қуйворди. Одатда, бундай шаддод ёмғир узоққа бормайди. Унинг шовуллаётган сувлари қуюқлашиб, яшил тусга кирди. Арчазор, денгиз тўлқинлари ўйнаётган кеманинг елканларидек, чайқала бошлади. Уфқнинг сонсаноқсиз нуқталарига парчаланиб кетган тубида нимадир йилтиллаб, жимирлади. Нуқталарга биқинган симобий зарралар, ўз қобиқларини ёриб чиқиб, ҳар тарафга сачради. Кейин, ранглари-нинг жилвалари бутун осмонга ёйилиб кетди.

Қуёш кўринди.

— Хайрият, — шивирладим ўзимча.

Хизматга кечикканимни эслаб, жилмайдим.

Шомгача шаҳар кўчаларида тентирадим. Менга қараган ҳар бир йўловчи кўзимга шарпа бўлиб кўринаверди. Ҳатто, биттасига (ҳақиқийми-йўқми, деб) бармоғимни теккизиб кўриб, балога қолдим. Аламимдан, қаҳвахоналардан бирида чўнтагим қоқлангунча ичдим...

Уйга қайтаётиб хиёбонда чизган расмларини пуллаётган бир рассомга дуч келдим. Асарларидан бирига тикилиб қолганимни кўриб, у менга елимдек ёпишиб олди. Молини тузукроқ нархга пуллаш учунми, у менга аллақандай Борлиқ, Абадият, Ҳаёт ва Ўлим ҳақида нималарнидир тушунтира кетди.

Қуршаб турган ҳамма нарсадан йироқлаштириб, бизларни яксон этиб юборадиган одатий ва чуқур мушоҳададан иборат фалсафа, яна, ўлишни ўрганиш ҳамдир...

«Фақат, битта жонкуяр — ҳақконийлик, битта вазифа — бахтли бўлиш, битта хулоса — ҳаёт қадриятларини кўпиртирмаслик ва ўлимдан кўрқмаслик... асл нарсадир...»[1] — қолган гаплари миямга кирмади. Чунки, бўшлиқдан — исмсиз ранглар қориштириб юборилган мавҳумиятдан бўлак ҳеч ваҚоси бўлмаган тасвирга тикилиброқ қарадиму, илон авраган юмронқозиқдек карахт бўлдим-қолдим. Ёқимли қўрқув ҳисси вужудимни қамраб олди.

...Одамнинг оддий кўзлари учун кўп ҳам сезиларли, ёрқин бўлмаган, бироқ ўзининг синоатга тўла домига оҳанрабодек тортиб олаётган бу ғаройиб тасвирни... қаердадир кўргандим...

Бахтиёр АҲМЕДОВ

1. Дени Дидродан

Пошшонинг қизи бўлгим келаяпти

***

Ғўдаклар онасининг бағрида ҳеч қачон зерикмайдилар. Одам боласи меҳрга тўймайди шекилли-да!

Кичкинтойлар баланд бўлгиси келади. Ҳамиша «мени кўтаринг!» деб хархаша қиладилар. Дунё баланддан чиройлироқ кўринса керак-да!..



***

Она кўнглини ҳам боласидек ҳеч ким обод ва мунаввар этолмайди. Фарзанд барибир фарзанд-да!..

Болаларимизнинг ҳар бир сўзидан, ҳар бир ҳаракатидан ғурурланиб яшасак, ўғил-қизларимиз ҳам бизларга талпиниб бўй чўзсалар...

Бу бахтнинг савобига не етсин...

***

— Ая! эртаҚдаги пошшоларга маза-а?

— Нима, сен ҳам пошшо бўлгинг келаяптими?

— Йўқ, пошшонинг қизи бўлгим келаяпти.

***

— Моҳинур, меҳмонга халақит берма!

— Э... мен уларни яхши кўриб кетаяпман-да...

— Ҳадеб эркалик қилиб, тўполон қилаверсанг, хафа бўлиб қолишлари мумкин.

— Вой ая, яхши кўрсаям хафа бўладими?

***

Опаси уч ёшли синглисидан сўради:

— Қанақа туш кўрдинг?

— Тушимда сизни кўрдим.

— Аямни-чи?

— Йўқ, кўрмадим.

— Нега?

— Чунки аям ҳам менинг ёнимда ухлаётувди-да!

***

— Аяжон! Нимага мунчоқ тақволдийиз — ишга кетаяпсизми?

— Йўқ қизим, бугун байрам, шунингчун тақдим.

— Унда менга ҳам мунчоқ тақиб қўйинг, ўшанда янаям каттароқ байрам бўлади-да!

***

— Моҳинур, живачкани қаердан олдинг?

— Бозордан.

— Вой ёлғончи, қайси бозордан оласан, бугун уйдан кўчага чиқмадик-ку!

— Холодилнигимизнинг ичи бозор-ку, аяжон! Ўша бозордан олдим. Эшигини очиб қараб турсам — живачка «Мени ол! Мени ол!» деди-да, кейин мен шартта оволдим!

***

— Ая, уйқу сувдан қўрқаркан-а?

— Қандай билдинг?

— Юзимни ювсам, уйқум қочиб кетаяпти. Шундан билволдим.

***

— Моҳинур, сен кучукдан қўрқасанми?

— Йўқ, мен қоронғидан қўрқаман.

— Нимага қоронғидан қўрқасан?

— Чунки қоронғи тушса, сиз мени уйга обкириб кетиб ухлатасиз-да!

***

— Аяжон! Мен катта бўлсам сизга расм чизишни ўргатиб қўяман...

***

— Ая! Ўнг қўл қаерда бўлса, чап қўл ҳам ўша ерда бўлади-а?

***

— Моҳижон қаламни қўйиб қўй қизим, кўзингга кириб кетади.



— Кирмайди-кирмайди аяжон, ўзим маҳкам ушлаб тураман.

***

— Моҳинур, аянгга кир ювишда ёрдам бердингми?

— Ёрдам бердим.

— Вой алдоқчи-ей, қачон ёрдам бердинг?

— Бетимни ўзим ювдимку!

***

— Аяжон, мени кўтаринг. Сизга бўйим етмаяпти. Ўпмоқчийдим...

***

— Аяжон, мендайлигингизда кийган кийимларингиз ҳозир қаерда?

— Нимайди?

— Киймоқчийдим.

— Қизим, бир пас гапирмай тур, жуда чарчаганман.

— Аяжон, мен сизга ҳеч қанақа савол бермаяпманку!

Жавоб бермасдан, индамасдан эшита қолинг!..

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
◆
Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ
◆
Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган
◆
Буюртма: Г — 0475
◆
10000 нусхада босилди
◆
Сотувда нархи эркин
◆
Ҳажми 2 босма табоқ
◆
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди
◆
Манзилимиз: Тошкент 83, Матбуотчилар кўчаси 32.
Тел.: 33-50-18.
◆
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи муҳаррир — Баҳодир Мурод Али
123456